RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ушбу сонда:

**ТАҚДИМНОМА ТАЛАБИ** 2

**АНТИҚА АДАШУВ**

**САККИЗИНЧИ "МИЖОЗ"** 3

**ЙЎЛДАН АДАШГАНЛАР ФОЖЕАСИ** 4

**MEZON:**

**Молиявий хизматлар кўрсатадиган ижрочи ўзининг тугатилиши ёки банкрот бўлиши эҳтимолини назарда тутган ҳолда истеъмолчиларнинг талабларини қондириш мақсадида ўз жавобгарлигини суғурта қилдириши шарт.**

**Молиявий хизматлар ижрочиси истеъмолчига етказилган зарар учун ўзининг жавобгарлиги тўғрисида суғурта шартномаси борлиги ҳақида истеъмолчига ахборот бериши шарт.**

"ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 28-МОДДА

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

№ 23 (379)
2004 йил 15 ИЮН сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

# ШҲТ: АМАЛИЙ КЕЛИШУВ ВА АНИҚ СТРАТЕГИК ОДИМЛАР

***Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар ҳудуди 30 миллион кв. км. майдонни – Евросиё қитъасининг 3/5 қисмини эгаллаган. Аҳолиси 1,455 миллиард нафар кишидан ортиқ ёки сайёрамиздаги ҳар тўрт нафар одамнинг бири шу маконда истиқомат қилади. Ана шундай кенг қамров ва салоҳиятга эга, минтақавий тинчлик-осойишталикни сақлаш ва тараққиёт учун барқарор муҳит яратиш орқали дунёвий хавфсизликни таъминлашга ҳисса қўшишни мақсад қилган ШҲТ навбатдаги Саммити арафасида турибди.***



Кўз ўнгимизда дунё қиёфасида туб ўзгаришлар ясайдиган воқеа-жараёнлар рўй бераётир: бир тарафдан халқаро барқарорликка қарши янги таҳдидлар юзага келиб, низо ва хатарларнинг шакл-хусусияти тубдан ўзгараётган бўлса, бошқа тарафдан дунё халқлари ўзаро яқинлашиб, интеграциялашув йўлини маҳкам тутмоқда. Дунё шундай тус ва шамойилга кирган бир пайтда Марказий Осиё минтақасида Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, **ноаниқ стратегик вазият сақланиб қолмоқда. Бинобарин, айрим мамлакатлар бу минтақада ўз таъсирини сақлаб қолишдан манфаатдор бўлгани ҳолда, уларнинг Марказий Осиёга оид сиёсати тугал шаклланмаган ёки ҳали-бери тўлиқ аён эмас...**

Шундай вазиятда Ўзбекистоннинг ШҲТ ишида фаол иштирок этиб, бу ташкилот фаолиятининг самарали кечиши учун таъбир жоиз бўлса, ҳаммадан кўра кўпроқ жон куйдираётгани замирида улкан мақсад ва манфаатдорлик ётганини англаш қийин эмас.

Аслида бу ташкилотга 1996 йилда янги мустақил давлатлар билан Хитой ўртасида чегараолди ҳудудларидаги ҳарбий-сиёсий вазиятни тартибга солиш мақсадида асос солинган бўлса-да, 2001 йилга келиб ўзаро алоқалар кўлами ҳам мазмун, ҳам ният-муддаосига кўра кенгая бошлади. Бу ҳолни икки омил билан изоҳлаш мумкин. Аввало Хитой тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларни қаноатлантириш учун МДҲ давлатлари билан алоқаларни замон талабларига мос тарзда йўлга қўя бошлади. Иккинчидан, Россия давлатчиликни мустаҳкамлаш, энг муҳими, иқтисодиётини изга тушириш борасида илк муваффақиятларга эришди. Бу эса Россия учун ўз ташқи сиёсий фаолиятини янгича асосда шакллантиришга замин бўлди. Табиийки, шундай пайтда бу икки мамлакат Марказий Осиёда ишончли шерикка зарурат сезди ва бунда ўз-ўзидан минтақанинг салоҳиятли мамлакати сифатида Ўзбекистон майдонга чиқди. Бир йил мобайнида Шанхай ташкилоти ишида кузатувчи мақомида қатнашган Ўзбекистон халқимиз манфаатлари ва орзу-истакларига мос ҳолда 2001 йилда ШҲТга унинг асосчиси сифатида аъзо бўлиб кирди.

Ўзбекистон мазкур ташкилотга аъзо мамлакатлар орасида ўзига хос мавқе ва салоҳиятга эга экани ШҲТнинг 2003 йилда Москвада бўлиб ўтган Саммити чоғида яна бир карра тасдиғини топди: ўшанда Президентлар ШҲТга биринчи бўлиб раҳбарлик қилиш вазифасини Ўзбекистонга топширган эди. Мамлакатимизнинг халқаро хавфсизлик ва интеграция борасидаги саъй-ҳаракатлари, ташқи сиёсатдаги изчиллиги Саммит қатнашчиларини Ўзбекистонга шундай масъулиятли вазифани топширишга ундаган бўлса, ажаб эмас. ШҲТ минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитаси қароргоҳининг Тошкентда жойлаштирилгани ҳам тасодиф эмас, балки мамлакатимизнинг терроризмга қарши курашдаги амалий чора-тадбирлари ва дадил ташаббусларига берилган муносиб баҳо десак, муболаға қилмаган бўламиз.

Орадан бир йил ўтди. Бугунги кунда Ўзбекистон ўзига билдирилган ана шу ишонч ва зиммасига юкланган масъулиятли вазифани муваффақиятли адо этаяпти, дейишга асослар етарли. Хусусан, мамлакатимиз ташаббуси билан шу йил 3-4 июн кунлари Тошкентда ўтказилган ШҲТга аъзо давлатлар хавфсизлик кенгаши котибларининг биринчи учрашувида халқаро ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш нуқтаи назаридан ташкилот ҳудудида ҳамда унга қўшни минтақаларда вазиятнинг ривожланишига оид долзарб масалалар батафсил муҳокама этилди. Бундай учрашувларни мунтазам ўтказиб туришга келишиб олинди ва ўтказиш тартиби тасдиқланди.

**— Биз бу механизмни юқори баҳолаймиз ва унинг ташкил этилиши ташкилотимизга қўшимча куч-қувват бахш этиши билан бирга минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва бу борадаги ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади, деб ҳисоблаймиз,** — дейди ХХР жамоат хавфсизлиги вазири ўринбосари Ян Хуанин.

ШҲТ фаолияти сиёсатнинг **"ўзаро ҳамкорлик асосида иқтисодий манфаатлар ётсагина унинг истиқболига умид билан қараш мумкин"** тамойилига таянади десак, хато бўлмайди. Зотан, бу ташкилот ўз доирасидаги маконда савдо-сотиқни ривожлантириш ва ўзаро борди-келдини йўлга қўйиш орқали минтақавий иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамламоқчи. Шу йил 28 май куни Тошкентда ташкилотга аъзо мамлакатлар савдо ва иқтисодиёт вазирлари учрашувини ўтказишдан кўзланган мақсад ҳам шу масалалар юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, уларни ҳаётга изчил татбиқ этиш йўлларини муҳокама этишдан иборат эди. Учрашувда Ўзбекистон томони Марказий Осиёда умумий бозорни яратиш ташаббусини илгари сурди. Бу ташаббуснинг жорий этиш механизм ва босқичлари ишлаб чиқилгани диққатга сазовор. Биринчи босқич тарифларнинг ягона ўзаро мослаштирилган тизимини шакллантиришни назарда тутса, иккинчи босқичда эркин савдо ҳудуди яратилади ва шу асосда Марказий Осиёнинг том маънодаги умумий бозорини таъсис этиш имконияти пайдо бўлади. Бу эса сармоя ва ишчи кучининг эркин ҳаракатланиши учун шароит ва соғлом рақобат муҳити яратади.

ХХР томони ташкилотнинг Тараққиёт фондини тузиш, Ишбилармон доиралар форумини ўтказиш, ташкилотнинг веб-сайтини ташкил этиш каби таклифлар ишлаб чиққанки, улар ҳам савдо-иқтисодий муносабатларни чуқурлаштиришни назарда тутади.

Буларнинг бари ШҲТ доирасида интеграция ва умумминтақавий бозорни яратишда ягона ёндашувни ишлаб чиқиш борасида биргаликда ишлар давом этаётганини кўрсатади.

Ташкилот ишида ўзаро яқинлашиш жараёнларини жадаллаштириш устувор экан, аввало транспорт-коммуникация лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масаласи ҳамкорликнинг энг муҳим стратегик йўналишига айланиши муқаррар. Негаки, Марказий Осиё ва Хитойни Россия, Европа ва жаҳон бозори билан боғлайдиган транспорт йўлакларини барпо этмасдан туриб, бу ҳудудда ижтимоий-иқтисодий юксалишга ва кенг кўламли инвестициялар келишига эришиш қийин.

ШҲТ фаолиятининг муҳим соҳаси Хитой расмийлари ибораси билан айтганда, "уч ёвуз куч" — терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш масаласи бўлиб қолмоқда. Бинобарин, "Ҳизбут-таҳрир" каби экстремистик, айирмачи ташкилотлар фаолияти жонланиб, тобора хавфли тус олиб бораётгани барчани бирдек баҳамжиҳат ҳаракат қилишга ундайди, амалий ишларни тақозо этади. Модомики, бу разил кучлар ўз чиркин мақсадлари йўлида ёшлар онгини заҳарлаётган экан, бу бузғунчи мафкура йўлига тўсиқ қўйиш террорчи гуруҳларни йўқ қилишдан кўра кўпроқ аҳамият касб этмоғи шубҳасиз. Бундай манфур тўдаларга қарши кураш уларни молиявий манбаларидан узиб қўйишни ҳам назарда тутади. Шу ўринда нопок йўллар билан топилган маблағлар шу риёкор гуруҳларни молиялашга сарфланаётганидан келиб чиқсак, Афғонистонда наркотик моддалар етиштириш суръатларининг сезиларли тарзда ўсиб бораётгани катта ташвиш уйғотади.

Хуллас, Марказий Осиё мамлакатлари халқларимизнинг тинч-осуда заминда фаровон ҳаёт кечиришига эришиш борасида аниқ стратегияни шакллантириши ва шу йўлда собитқадамлик билан илдам одимлаши ҳаёт тақозосига айланган. Акс ҳолда, минтақа давлатларининг дунёда ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиши мушкул. Шу нуқтаи назардан, ШҲТнинг Тошкент Саммити аҳамияти ва кўламига кўра минтақа халқлари ҳаётида муҳим воқеадир.

**Мадамин САФАРОВ,**
**шарҳловчи**

Xabar

# АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА

Шу йилнинг 12 июн куни Адлия вазирлигида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан Инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг ҳолатини ўрганиш бўйича Идоралараро ишчи гуруҳининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Адлия, Ички ишлар, Ташқи ишлар, Молия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Бош прокуратура, Олий суд, Миллий Хавфсизлик Хизмати, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) котибияти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий Марказ, Олий Мажлис ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, ИИВ академияси, Тошкент Давлат юридик институти, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази масъул ходимлари иштирок этишди. Йиғилишни идоралараро Ишчи гуруҳ раҳбари — Адлия вазири А.Полвон-зода олиб борди.

Йиғилиш давомида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссиясининг 60-сессиясида Ўзбекистон Республикаси делегациясининг иштироки якунлари муҳокама қилиниб, ушбу сессияда Ўзбекистон БМТнинг Комиссияси ва конвенциявий органлари билан Инсон ҳуқуқлари соҳасида самарали ҳамкорликни амалга ошираётганлиги таъкидланди.

Идоралараро Ишчи гуруҳининг ишида ИИВ жазони ижро этиш Бош бошқармасининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди. Ички ишлар вазирининг ўринбосари Р.Қодиров ўз маърузасида таъкидлаб ўтганидек, жазони ижро этиш идораларида жиноят ижроия қонунчилигини ва жазони ижро этиш тизимини либераллаштиришга қаратилган мамлакат раҳбариятининг сиёсатини амалга ошириш натижасида озодликдан маҳрум этилган маҳкумларнинг сони кескин камайишига ҳамда уларни сақлаш шароитлари янада яхшиланишига эришилди. Европа Иттифоқи делегатлари, Халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳеч қандай тўсиқларсиз жазони ижро этиш муассасаларига кириб, ушбу сезиларли ўзгаришларни кўриб, ишонч ҳосил қилишмоқда.

Йиғилишда мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенциясини бажариш бўйича тадбирлар режасининг ижросига тегишли бир қатор масалалар ҳам кўриб чиқилди. Ушбу масалани кўриб чиқиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, белгиланган тадбирлар ҳар томонлама ўз муддатларида ижро этилмоқда. Жумладан, ҳукуматнинг тадбирлар режасининг ижросини таъминлаш борасида Республика Бош прокуратураси қошидаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2004 йил 29 майдаги мажлиси ва Республикаси Бош прокуратурасининг 2004 йил 20 майдаги ҳайъат йиғилишида ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларга сўзсиз амал қилишларига қаратилган таъсир чоралари ишлаб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар раҳбар ходимлари томонидан инсон ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш юзасидан тезкор қатъий чоралар кўрилаётганлиги ҳар бир тармоқда шу каби ҳуқуқбузарликка нисбатан мутлақо келишиб бўлмайдиган ва албатта, муқаррар жавобгарликка тортилиши муҳити вужудга келтирилганлиги Ишчи гуруҳ томонидан ижобий баҳоланган.

Идоралараро ишчи гуруҳи аъзоларига Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 235-моддасининг янги таҳрирдаги шарҳи тақдим қилиниб, унда БМТнинг қийноққа қарши Конвенциясида назарда тутилганидек, қийноқ, ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши жиноят таркиби бўйича тўлиқ тушунтириш берилди.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг самарали кафолатларидан бири — судларнинг мустақиллиги ҳисобланиб, бунда уларнинг моддий техника таъминоти масаласи муҳим аҳамият касб этади. Ушбу масалани муҳокама қилиш жараёнида бу соҳада ижобий натижаларга эришилганлиги таъкидланди. Бугунги кунда барча умумий юрисдикция судлари компьютер ва автотранспорт воситалари билан тўлиқ таъминланган. Янги суд бинолари фойдаланишга топширилмоқда, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Фарғона, Самарқанд, Сирдарё ва бошқа вилоятларда суд биноларини қуриш ва капитал таъмирлаш ишлари бажарилмоқда.

Шу билан бирга Ишчи гуруҳи инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи айрим ташкилотлар томонидан бир қанча тасдиқланмаган асоссиз хабарлар тарқатилаётганига алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, "Хьюман Райтс Вотч" ваколатхонаси томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқароси А.Ю. Шелковенконинг гўёки унга нисбатан ички ишлар идораси ходимлари қийноққа солганлиги оқибатида вафот этганлиги тўғрисида хабар тарқатилган. Ваҳоланки, Канада ва АҚШ мутахассислари иштирокида ўтказилган суд тиббий экспертиза хулосаси мазкур хабарни буткул рад этди. "Хьюман Райтс Вотч" ваколатхонасининг ушбу уйдирмалари Ўзбекистоннинг мавқейига путур етказади. Ваколатхона раҳбарлари жорий йилнинг 10 июн кунида Адлия вазирлигига таклиф этилиб, бундай ҳуқуқий оқибатларга олиб келувчи хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирилди.

Шунингдек, Идоралараро ишчи гуруҳига юклатилган вазифаларни келгусида амалга ошириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар белгиланди.

**Адлия вазирлиги**
**матбуот хизмати**

Huquqiy ma`rifat

# ЭКСПЕРТ ИШТИРОКИ

## ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА

Фуқаролик процессуал қонунчилигида ишда иштирок этувчи ва одил судловни амалга оширишда кўмаклашувчи шахслар ҳуқуқий муносабат субъектлари ҳисобланади. Ишда иштирок этувчи шахслар деганда даъволи ишлар бўйича тарафлар, яъни даъвогар ва жавобгар, учинчи шахслар, уларнинг вакиллари, прокурор ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқарув идоралари, алоҳида тартибда кўриладиган ишлар бўйича аризачи, манфаатдор шахслар ҳамда давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят билан мурожаат қилувчи шикоятчилар тушунилади.

Одил судловни амалга оширишда судларга кўмаклашадиган шахсларга эса гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, ёзма ва ашёвий далилларни сақловчилар, холислар ва ижро ишларини юритишда мол-мулкни сақловчилар киради. (ФПКнинг 35-моддаси). Шу ўринда одил судловни амалга оширишда кўмаклашувчи шахс сифатида экспертларнинг фуқаролик процессидаги процессуал ҳуқуқий ҳолатига ҳамда иштирокининг ўзига хос жиҳатларига тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Фуқаролик процессида экспертларнинг иштироки муҳим аҳамият касб этади. Чунки эксперт хулосалари фуқаролик процессида исботлаш воситаси сифатида эътироф этилади. Фуқаролик ишини текшириш вақтида келиб чиққан фан, санъат, техника ёки ҳунар соҳасида махсус билим талаб қиладиган масалаларни тушунтириш учун суд тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимослари бўйича ёки ўз ташаббуси билан экспертиза тайин қилиши мумкин (ФПКнинг 84-моддаси).

Фуқаролик процессида экспертиза турли масалалар бўйича (одам ДНКси биологик экспертизаси, психиатрия экспертизаси, криминалистик экспертиза, суд бухгалтерия экспертизаси ва бошқалар) тайинланади.

***(Давоми учинчи бетда)***

***Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ соҳасида асосий бўғинни ташкил этувчи ижро жараёнига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Суд ижрочилари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Адлия вазирлиги тизимида махсус Департамент ташкил этилиб, унга қўшимча имтиёз ва ваколатлар берилгани ижро самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.***

Faoliyat

# ИЖРО НАЗОРАТИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Илгарилари суд ҳукмлари, қарорлари, ажримларини ижро этиш муайян қийинчиликлар билан амалга оширилар, хусусан, иқтисодий низолар бўйича чиқарилган суд қарорлари ижроси таъминланмаган ҳолатлар кўп учрарди. Эндиликда суд ижрочиларининг яхлит тармоқ сифатида фаолият юритаётгани ижро самарадорлигини оширишда муҳим омил бўляпти. Зеро, суд қарорлари ва бошқа идоралар ҳужжатларининг ўз вақтида ижро этилиши адолатнинг вақтида қарор топиши демакдир.

Бу жараённинг ҳуқуқий асосини ташкил этувчи **"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"**ги Қонуннинг амалга киритилиши суд ижрочиларини жиноят ва фуқаролик ишлари ҳамда хўжалик судларидан ажратилиб, суд ижрочиларининг туман ва шаҳар бўлинмалари сифатида шакллантирилди. Уларга махсус ваколатларнинг берилиши, мамлакатимиз ҳуқуқий тизимида ўзига хос ижобий ўзгариш ясаб, ижро ишида иштирок этувчи шахслар, ижро идораси ходимларининг масъулиятини оширди.

Мазкур қонунга мувофиқ ижро ҳужжатларини мажбурий ижро этиш департаментнинг ҳудудий бўлимлари суд ижрочилари зиммасига юклатилди. Суд ижрочилари бугунги кунда нафақат суд ҳужжатлари, балки бошқа идоралар ҳужжатларини ҳам ўз вақтида ижро этилишини таъминлаяпти.

Суд ижрочиси қонунга асосланиб, ўз номидан, мустақил равишда, ижро ҳаракатини амалга оширишда қарорлар қабул қилиш, агар бу қарорлар тарафлар ва бошқа шахсларнинг манфаатларига дахлдор бўлса, тегишли қарор чиқариш ваколатига эга.

Суд ижрочиси ижро ҳужжатидаги талабларни ихтиёрий равишда бажариш учун қарздорга кўпи билан беш кун муддат белгилайди. Агар қарздор белгиланган муддат ичида қўйилган талабни ихтиёрий равишда узрсиз бажармаса, суд ижрочиси жисмоний шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача микдорда жарима солиб, ижрони мажбурий тарзда амалга оширади.

Айтиш жоизки, амалиётда мулкий хусусиятга эга бўлмаган низолар бўйича ижро этиладиган ҳужжатлар юзасидан олиб бориладиган ишлар нисбатан мураккаб ҳисобланади. Буларга қарздорга муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёки уларни амалга оширишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи ҳамда қарздорларни кўчириш ва даъвогарни киритиб қўйиш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари киради.

***(Давоми учинчи бетда)***

Ajab savdolar

# ЧАЛКАШЛИК

Бугунги кунда деҳқончиликда мўл-кўл ҳосил етиштириш биргина деҳқонга боғлиқ эмаслиги ҳамамизга равшан. Далада парваришланаётган ўсимлик тури минерал ва маҳаллий ўғитлар билан ўз вақтида озиқлантирилсагина ҳосил олиш мумкин.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллик иш режасига кўра, Наманган вилояти адлия бошқармаси ходимлари "Қишлоқхўжаликкимё" корхонасининг Тўрақўрғон тумани филиалида минерал ўғитларни сақланиши, сарфланиши ҳолати ва томонлар ўртасида тузилган шартномаларнинг ижросини ўрганиб чиқди. Оқтош шаҳарчасида жойлашган филиал ўн битта ширкат, 191 та фермер хўжалигига минерал ўғит етказиб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олган. Шу йилнинг 5 март кунигача филиал мижозлар билан 3.194 тонна азотли, 874 тонна фосфорли ва 159 тонна калийли минерал ўғитларни етказиб бериш учун шартномалар тузган.

Амалдаги йил ҳосили учун ўтган 2003 йилнинг 1 сентябридан бошлаб шу йилнинг 1 март кунигача 746 тонна азотли, 243 тонна фосфорли ўғитлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларига етказиб берилган. Бухгалтерия ҳисоби бўйича филиал омборида текшириш кунигача 484,6 тонна селитра, 564-тонна карбамит, 462,8 тонна "А-супер минерал" ўғитлари сақланган. Шунингдек, ширкат ва фермер хўжаликларининг минерал ўғит сақланаётган омборлари ҳам ўрганиб чиқилди. Ширкат хўжаликлари омборларида 956,4 тонна А-супер ва 28,2 тонна аммофос минерал ўғитлари сақланаётганлиги аниқланди.

Шу йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, ширкат ва фермер хўжаликларидан филиалнинг дебиторлик қарзи 470.222.7 минг сўмни ташкил этади. Филиалнинг кредиторлик қарзи ширкат ва фермер хўжаликлардан шу йилнинг 1 март ҳолатига кўра, 37245 минг сўмга етди. Январ, феврал ойларида ширкат хўжаликлари филиалга жами 106544 минг сўм пул тўлаган.

***(Давоми иккинчи бетда)***

# ЧАЛКАШЛИК

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Филиал эса ширкат хўжаликларига 30344 минг сўмлик минерал ўғитлар етказиб берган. Бу режага нисбатан 23 фоизни ташкил этади, холос. Ширкат хўжаликлари билан тузилган шартномаларнинг 3-қисм, 3.2 бандида хўжаликларга етказиб бериладиган минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар учун қабул қилиш ҳужжатлари имзолангандан сўнг 60 кун муддатда узил-кесил ҳисоб-китоб қилиниши кўрсатилмаган. Шунингдек, шартномаларнинг 3-қисм, 3.2-бандида хўжаликларга етказиб бериладиган "минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар" туркуми маблағининг юз фоизи миқдорида ҳақ тўлайди, деб қайд этилган. Бу эса Вазирлар Маҳкамасининг **"2004 йил пахта ва ғалла ҳосили учун қишлоқ хўжалик корхоналарига моддий техника ресурсларини етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш ва улар учун ҳисоб-китобларни юритишнинг "Вақтинчалик тартиби"**-га зиддир. Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси томонидан берилган маълумотларга қараганда, хўжаликлар билан "Агрокимётаъминот" корхоналари ўртасида Мингбулоқ туманида 306 та, Косонсой туманида 124 та, Норин туманида 190 та, Поп туманида 393 та, Уйчи туманида 157 та, Учқўрғон туманида 250 та, Янгиқўрғон туманида 328 та, Тўрақўрғон туманида 211 та минерал ўғитларни етказиб бериш учун тузилган шартномаларнинг 3.2 бандида хўжаликларга етказиб бериладиган "минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар" туркуми маблағи миқдорининг 100 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ тўлайди", деб белгиланган.

Кўриниб турибдики, вилоят бўйича 33.991 тонна азотли, 10.914 тонна фосфорли, 3258 тонна калийли минерал ўғитлар етказиб бериш учун тузилган 2746 та шартноманинг 3.2 банди ўзгартирилиши ва "Вақтинчалик тартиб" меъёрларига мувофиқлаштирилиши лозим. Чунки "Вақтинчалик Тартиб"нинг 13-бандида **"давлат эҳтиёжлари учун етиштириладиган пахта ва ғалла етиштиришга ишлатиладиган ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар учун 30 фоиз олдиндан тўлов амалга оширилади ва маҳсулотнинг қолган 70 фоиз қиймати 60 кун ичида тўланиши шарт"** деб қайд этилган. Бу билан Тўрақўрғон тумани филиали томонидан пахта маҳсулоти етиштирувчи 184 та, бошоқли дон маҳсулоти етиштирувчи 175 та фермер хўжалигининг ҳуқуқлари бузилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги **"Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги 383-сонли қарор билан тасдиқланган Низомнинг 2.19 бандида тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари хўжаликлар билан шартномаларни ўз вақтида тузилиши учун жавобгар эканлиги белгиланган. Лекин филиалда давлат буюртмасига асосан пахта ва бошоқли дон маҳсулотлари етиштирувчи фермер ҳамда ширкат хўжаликлари билан жорий йилнинг 5 февралигача шартномалар имзоланмаган бўлса-да, филиал ўтган йилнинг 1 сентябридан 2004 йилнинг 1 январигача тумандаги мавжуд ширкат хўжаликларига жами 603 тонна азотли, 237 тонна фосфорли минерал ўғитлар етказиб берган.

Наманган вилоят адлия бошқармаси баён этилган камчиликларни бартараф этиш учун вилоят "Қишлоқхўжаликкимё" ҳиссадорлик бирлашмаси раиси С.Ҳакимов номига шу йилнинг 5 март куни 01-

Ajab savdolar

08-367-сонли тақдимнома киритган эди. Яқинда тақдимномага жавоб хати келди. Унда айтилишича, "Вақтинчалик тартиб" кўрсатмалари ва талабларига зид иш юритгани, фермер хўжаликларининг ҳуқуқлари поймол этилишига йўл қўйгани учун Тўрақўрғон туман филиали ҳуқуқшунос маслаҳатчиси К.Абдуллаева огоҳлантирилган. Тақдимномада кўрсатилган хато ва камчиликларни зудлик билан бартараф этиш ҳамда келгусида қонунбузишларга йўл қўймаслик юзасидан барча туман филиаллари мудирларига топшириқ берилган.

Умуман, вилоят адлия бошқармаси жорий йилнинг 1-чорак даврида "Ўзқишлоқхўжаликкимё" тизимига нисбатан судларга 16.403282 сўмлик даъво аризалари киритди. Улар тез орада судда кўриб чиқилиб, фермер хўжаликларининг бузилган ҳуқуқлари тикланиши шубҳасиз.

**Ҳакимжон ХАЛИЛОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Muloqot

# ИККИ САВОЛГА ИККИ ЖАВОБ

**САВОЛ:** — ***Мен узоқ йиллардан буён халқ таълими тизимида хизмат қилиб келяпман. Ўн йил давомида ўрта мактабда директорлик лавозимида ишладим. Эшитишимча, қарилик нафақасига чиқиш чоғида мактабга директорлик қилган йилларим ўқитувчилик иш стажимга киритилмас экан. Шу сабабли умумий педагогик иш тажрибам 25 йилдан ортиқ бўлишига қарамасдан, имтиёздан холи равишда, 60 ёшда кексалик нафақасига чиқарканман.***

***Ҳурматли таҳририят!***

***Бу борада амалдаги қонунчиликда қандай тартиб белгиланган? Шу ҳақда маълумот берсангиз.***

**Сулаймон НАПЕСОВ,**
**Беруний туман педагогика коллежи ўқитувчиси**

**ЖАВОБ:** — Сизнинг саволингизга жавоб тариқасида шуни айтиш жоизки, **"Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"**ги қонуннинг 12-моддаси "к" бандига кўра, ўқитувчи ва бошқа маориф ходимлари махсус иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда (3-сонли рўйхат, VIII қисм) белгиланганидан 5 йил аввал (эркаклар 55 ёшдан, аёллар 50 ёшдан) пенсияга чиқиши мумкин. Ана шундан 25 йиллик махсус меҳнат стажи ўқитувчилик фаолиятидан иборат бўлиши ва ходим тўлиқ ставкада ишлаган бўлиши лозим.

Бу масала юзасидан Меҳнат ва ижтимоий таъминот вазирликларининг (ўша пайтдаги) 1994 йил 26 июндаги 6F21 05-1043 сонли биргаликдаги қарорларига кўра (қарорнинг 24-банди) белгиланганидан 5 йил аввал ёшга доир пенсияга чиқиш учун тўлиқ ставкада ўқитувчи бўлиб ишлаган бўлиш талаб этилади. Бундай имтиёз бериладиган шахслар орасида мактаб директорлари назарда тутилмаган. Лекин мактаб директори айни бир пайтда тўлиқ ставкада ўқитувчи бўлиб ишлаган, тўлиқ ставка ўқитувчилик маошига эга бўлган бўлса, бундай иш муддати имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган махсус стажга ҳисобланиши ва муддатидан олдин пенсия тайинланиши мумкин.

Шуларга асосан, ёшга доир пенсияга чиқишингиз юзасидан сизга берилган жавоб қонунга мос келади, деб ҳисоблаймиз.

**Саволга ҳуқуқшунос**
**Йўлдош ТУРСУНОВ жавоб берди.**

***САВОЛ: — Мен 1998 йили Қирғиз-Ўзбек университетининг юридик-божхона факултетига ўқишга кириб, 2003 йили тугатдим ва 1381 номерли диплом (серияси ЕВ, 65622) билан ўз яшаётган жойимдаги 4 ўрта мактабга ишга жойлашиш учун мактаб директорига мурожаат қилдим. Мактаб директори Фарғона вилояти Халқ таълими бошқармаси ходимлари билан боғланиб, "Сиз Тошкентдаги Тест марказига бориб, мактабда тарих ва ҳуқуқдан дарс бериш учун рухсат олиб келишингиз шарт экан", деди.***

***Ҳуқуқшуносларга мурожаат қилсам, улар ҳам аниқ бир гапни айта олишмади. Шу сабабли сизларга мурожаат қилаяпман.***

***Мен олий маълумотли мутахассис сифатида, мактабда тарих ва ҳуқуқшуносликдан дарс бера оламанми? Бунинг учун Тошкентга бориб, Тест марказидан рухсат олишим шартми? Шу ҳақида батафсил маълумот берсангизлар.***

***Ҳурмат билан***

**Наргиза ҚУРБОНОВА,**
**Тошлоқ тумани, "Оқ-олтин" жамоа хўжалиги,**
**У.Юсупов кўчаси, 25-уй.**

**"Таълим тўғрисида"**ги қонун ва унга мувофиқ ишлаб чиқилган Вазирлар Маҳкамасининг **"Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларини тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тартиби тўғрисида"**ги Низомга мувофиқ, хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги 1992 йил 1 январдан сўнг берилган умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим ҳужжатлари тан олиниши ва нострификация қилиниши лозим. Низом тан олиш ва нострификация атамаларига қуйидагича таъриф беради:

— Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш деганда ваколатли давлат идораларининг Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ушбу ҳужжатларнинг қонуний кучга эга эканлигига розилиги тушунилади.

Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) деганда ваколатли давлат идоралари томонидан ушбу ҳужжатлар эгалари тайёргарлиги даражаси мувофиқлигини белгилаш ва уларга Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги ҳужжатларига эга бўлган шахсларга берилгани каби академик ва (ёки) касбий ҳуқуқлар берилиши тушунилади. Тан олиш ва нострификациялаш ҳамда тегишли гувоҳнома бериш бевосита Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат Тест маркази таркибидаги Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестация бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари томонидан ташкил этилган комиссия хорижий давлатларнинг умумий ўрта таълим ва унинг қуйи босқичлари ҳужжатларини тан олиш юзасидан топширилган ҳужжатнинг асл нусхасини, унинг нотариал тасдиқланган давлат тилидаги таржимаси асосида мурожаат қилинган кундан бошлаб икки ҳафта ичида кўриб чиқади ва тегишли хулосани беради. Комиссия хулосаси Давлат тест маркази қошидаги бошқармага жўнатилади ва бошқарма томонидан уч кун ичида қарор чиқаришга асос бўлади.

Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатга қуйидагилар илова қилиниши лозим:

— **маълумот тўғрисидаги ҳужжат (диплом, аттестат, сертификат, гувоҳнома ва ҳ.к) ва унга мансуб илованинг асл нусхаси (ўтилган ўқув курслари ва уларнинг ҳажми, якуний баҳолар, амалиёт, курс ва битирув малака ишлари рўйхати, ўқув жараённинг бошқа бажарилган талаблари кўрсатилиши);**

— **маълумот тўғрисидаги ҳужжат ва унга тегишли илованинг Ўзбекистон Республикаси давлат тилидаги нотариал тасдиқланган таржимаси.**

Низомга мувофиқ, таълим тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш учун қуйидагилар зарурдир:

— **таълим тўғрисидаги ҳужжатни берган таълим муассасаси ўзи жойлашган давлатнинг ваколатли идоралари томонидан тан олинган бўлиши. Бунда таълим муассасасининг давлатга тегишли бўлиши аҳамиятга эга эмас. Муҳими, таълим муассасасининг тегишли ваколатли идоралар томонидан рўйхатдан ўтказилиши бўлиб, таълим муассасаси хусусий бўлиши ҳам мумкин;**

— **таълим тўғрисидаги ҳужжат берилган давлатда тан олинган бўлиши. Тегишли давлатда таълим ҳужжати тан олиниб, бу ҳужжат соҳиби ўз мутахассислиги бўйича иш топа олиши лозим;**

— **таълим тўғрисидаги ҳужжатнинг тан олиниши мамлакатимиз билан давлатлараро битимларда кўзда тутилган (кооперация усули ёки мақсадли ўқитиш йўли билан олинган таълим бундан мустасно) бўлиши.**

Dakki

# ҚОНУННИ БИЛМАЙДИГАН ТЕКШИРУВЧИ

Пахтаобод тумани ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясида туман молия бўлими бош иқтисодчиси Азизбек Йўлдошев томонидан йиғимларни тўғри сарфланиши юзасидан текшириш ўтказилди. Текшириш якунларига кўра рўйхатдан ўтказишда тушумлар нотўғри олинган, деб инспекция ҳисоб рақамига 900 минг сўм "инкасса" тўлов талабномаси қўйилди. Инспекция бошлиғи Ҳ.Жиянбеков вилоят адлия бошқармасига бу ҳақда ариза билан мурожаат этди.

Хўш, бу ерда ким ҳақ? Бу саволга ўтказилган ўрганиш давомида жавоб топилди. Маълум бўлдики, Пахтаобод тумани молия бўлими бош иқтисодчиси А. Йўлдошев 2003 йил 22 ноябр куни молия бўлими бошлиғи О.Акромовнинг буйруғига асосан туман ҳокимлиги қошидаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан 2002 ва 2003 йиллар давомида йиғимлар қандай ундирилаётгани ва сарфланаётгани юзасидан текшириш ўтказган. Унинг якунларига кўра, инспекция томонидан йиғимлар Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 9 майдаги йўриқномаси талабларига зид равишда, яъни 5 фоиз ўрнига 20 фоиз миқдорида сарфланган деб, жарима сифатида инспекциянинг ҳисоб рақамига 900 минг сўм тўлов талабномаси қўйилган.

Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 августдаги **"Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"**ги қарори билан тасдиқланган **"Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тўғрисида"**ги Низомда тадбиркорлик субъектларининг туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларида давлат рўйхатидан ўтказилгани учун тўланадиган йиғимларнинг 20 фоизи рўйхатдан ўтказувчи идоранинг марказлаштирилган муассасага, қолган маблағ тегишли равишда давлат бюджетига ўтказилади, деб белгилаб қўйилган.

Бинобарин, **"Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"**ги қонуннинг 14-моддасида меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар бир-бирига тўғри келмаган ҳолларда юқорироқ юридик кучга эга бўлган меъёрий ҳуқуқий ҳужжат қўлланилиши кўрсатилган.

Ушбу қонунбузилиш юзасидан вилоят адлия бошқармаси вилоят ҳокимлигининг молия бошқармасига тақдимнома киритди. Молия бошқармаси Пахтаобод тумани молия бўлими бош иқтисодчиси Азизбек Йўлдошев томондан қонунбузилишига йўл қўйилганини тан олди ва унга интизомий жазо чораси сифатида "ҳайфсан" эълон қилди. Инспекциянинг ноқонуний ундирилган 900 минг сўм маблағи ўзининг ҳисоб рақамига қайтарилди. Шу тариқа текширувчининг ўзи қонунни яхши билмаслиги аён бўлиб қолди.

**Мансур АБДУХОЛИҚОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

***Президентимиз ўз маърузаларидан бирида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги айрим кўзбўямачилик кўринишлари хусусида тўхталиб, имкон қадар ҳақиқий аҳволни кўрмаслик, кўрса ҳам тан олмаслик, вазиятни юмшатиб, безатиб кўрсатиш жойлардаги баъзи раҳбарларнинг фаолиятида одат тусига айланганлигини таъкидлаганди: "Кўп йиллик кузатишлар шуни кўрсатадики, улар ҳар йили мавсум бошланиши билан йўл қўйилган қўпол хато ва ўзбошимчалик, бепарволик, оғир оқибатларга олиб келадиган нуқсонларни яшириб, мавсум якунланиши билан аввало ҳар хил табиий ва иқлим инжиқлигини, ўз вақтида кимдир маблағ, кредит, ёқилғи, ўғит ажратмагани, кўмак бермагани ва шунга ўхшаган сабабларни ниқоб қилиб олади".***

Taassuf

# АНТИҚА АДАШУВ

## БУНДАН КИМГА ФОЙДА, КИМГА ЗИЁН?



Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманининг айрим ширкат хўжаликларида ҳам худди шундай ҳолат рўй берди. "Олтинсой" ширкат хўжалиги туманнинг ғарбий чеккасида, Султон Увайс тоғ этакларида жойлашган бўлиб, бир пайтлар Қорақалпоғистоннинг энг донгдор пахтачилик жамоаларидан саналган. Афсуски, кейинги йилларда хўжалик қолоқли сари юз тутди. Масалан, хўжаликда 2001 йилда давлатга пахта топшириш режаси 32 фоиз, 2002 йилда 23 фоиз ва 2003 йилда атиги 13 фоиз атрофида бажарилди, холос. Шак-шубҳасиз айтиш мумкинки, бундай кўнгилсиз ҳолатга хўжалик раҳбарларининг ишга бўлган маъсулиятсизлиги сабаб бўлди.

Мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, Талғат Ўринбоев 1996 йилнинг 24 сентябрида "Олтинсой" хўжалигининг ер тузувчиси лавозимида иш бошлади. У хўжаликдаги ер майдонларидан қонуний фойдаланилишни назорат қилиб бориш, хўжалик ҳосилоти билан биргаликда қайси ер майдонига қандай экин экилишини режалаштириш, ер майдонларининг контур карталарини чизиш, экин майдонлари гектарларини ўлчаб бориш, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича далолатномалар тузиб, хўжалик раҳбарига топшириш, "4-СХ" шаклдаги ҳисоботнинг тўғрилигини мониторинг текшируви асосида кузатиб бориш вазифаларини ўз зиммасига олган. Бироқ бу вазифалар амалда ўз ижросини топмади.

Талғат Ўринбоев 2003 йилнинг 3 июнидан 9 июнига қадар экин майдонларига чиқиб кўрмасдан мазкур йил ҳосили учун экилган қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг режа ва ҳисоботга мувофиқлиги юзасидан "мониторинг" ўтказди. "Мониторинг" далолатномасида хўжалик бўйича 1020 гектар майдонга пахта экиш режалаштирилган бўлса-да, "4-СХ" шаклдаги ҳисоботда чигит экилган майдон 1110 гектар қилиб кўрсатилди. Аслида эса пахта экилган ер майдони бор-йўғи 713 гектар бўлиб чигит уруғининг 397 гектар майдонга кам экилгани ҳисоботдан яширилди. Шоли экиш бўйича ҳам худди шундай ҳолга йўл қўйилди. Ҳисоботда шоли экилган майдон режадаги 70 гектар ўрнига 72 гектар ҳажмида қайд этилди. Ҳақиқатда эса, хўжаликда 245 гектар майдонга, яъни ҳисоботда кўрсатилганидан 173 гектар ортиқ майдонга шоли экилди.

Сувдан қуруқ чиқиш илинжида бўлган хўжалик ер тузувчиси бу ҳолни ўзича шундай изоҳлайди:

— Мен "мониторинг" текшируви ўтказиш чоғида ер майдонларининг экин экилмасдан олдинги режалаштирувига асосландим. Экиш жараёнида гектарлар кўрсаткичи ўзгариб кетди. Мониторинг кунларида пахта экилган майдонлар режа атрофида эди, чигит кейин кўкармай қолди. Чигит кўкармаган майдонларга қўшимча равишда шоли экилган, бироқ бу ҳақда менга маълумот етказилмаган.

Ширкат хўжалиги раиси мазкур ҳолатларни ерда зах кўтарилиб кетгани сабабли пахта экиш мавсуми тугаб қолгани билан изоҳламоқчи бўлди ва шу боис пахта ўрнига мажбурий йўсинда шоли экилганини рўкач қилди.

Хуллас, Талғат Ўринбоев ва масалага дахлдор бошқа мансабдор шахсларнинг ишга бўлган совуққонлиги, кўзбўямачилик хатти-ҳаракатлари ширкат хўжалигига 348.860.000 сўмлик моддий зарар етказди.

"Бийбозор" ширкат хўжалиги "Олтинсой" хўжалиги билан ёндош жойлашган. «Қовун қовундан ранг олади» деганларидек, "Бийбозор" ширкат хўжалигида ҳам пахта ва шоли экин майдонлари ҳисоби борасида кўзбўямачиликка йўл қўйилди. Ўтган уч йил давомида хўжаликда йиллик пахта етиштириш режаси аранг 35.17 ва 15 фоизга уддаланди, холос. Бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш режалари ҳам ора йўлда қолиб кетди. Белгиланган режага кўра, 2003 қишлоқ хўжалиги йилида ширкат хўжалиги бўйича 980 гектар майдонга пахта, 50 гектар майдонга шоли, 160 гектар майдонга буғдой, 50 гектар майдонга полиз экинлари, 30 гектар майдонга йўнғичка, 15 гектар майдонга лавлаги ва ҳоказолар экилиши лозим эди.

Бироқ амалда бунга тескари иш тутилди. Хусусан, пахта экилган майдон ҳисоботда 1030 гектар деб кўрсатилди. Амалда эса 837 гектар майдонга чигит экилди. 88 гектар ўрнига 330 гектар майдонга шоли экилгани ҳаммасидан ошиб тушди. Бу эса хўжаликка 29.853.150 сўмлик моддий зарар келтирди. Бироқ хўжаликда экин майдонларининг режа ва ҳисоботга мувофиқлиги бўйича мониторинг ўтказган ер тузувчи муҳандислар Сафарбой Абдураҳмонов ва Фарҳод Нуруллаевлар бу ҳолни кўриб кўрмаганга олишди. Нафсиламбрини айтганда, уларга туман ер ресурслари хизмати томонидан "Бийбозор" ширкат хўжалигидаги ҳаққоний ҳолатни ўрганиш вазифаси топширилган бўлса-да, бу вазифа ижросига виждонан ёндашишмади.

Субутсизлик оқибатида ер майдонлари қайта ўлчовдан ўтказилмади, қалбаки далолатномаларга сохта имзолар чекилди.

Ҳеч бир айб ўз-ўзидан туғилмайди. "Олтинсой" ва "Бийбозор" ширкат хўжаликларида содир этилган бундай ноқонуний хатти-ҳаракатлар ҳам айрим мансабдор шахсларнинг пинҳона қўллаб-қувватлаши туфайли содир этилган. Буни қуйидаги мисол яққол тасдиқлайди. Беруний туман ер ресурслари хизмати бошлиғи Мўмин Кенжаев зиммасига Қорақалпоғистон Республикаси ер ресурслари бошқармаси томонидан туман хўжаликларида экин майдонларининг режа ва ҳисоботга мутаносиблигини текшириш вазифаси юклатилди. Бироқ Мўмин Кенжаев якка ўзи туман хўжаликларида мониторинг ўтказишга улгура олмаслигини важ қилиб, бу жараёнда иштирок этмади ва ушбу юксак масъулиятли ишни хўжаликларнинг ер тузувчи муҳандисларига топшириш билан кифояланди. Ер тузувчилар томонидан тўлғазилган меъёрий ҳужжатларда эса хўжалик раҳбари, бош ҳосилот ва ер тузувчилар имзолари чекилганлиги баҳонасида бу ҳужжатларнинг асл ҳақиқатга мос келиш-келмаслиги аниқ текширишдан ўтказилмади. Бундай қулай "имкон" ширкат хўжаликларида рўй бераётган қонунбузилиш ҳолатларини янада урчитиб юборди.

Қорақалпоғистон Республикаси ер ресурслари бошқармаси раҳбариятининг ҳам мониторинг ўтказиш жараёни ва ундан кейинги паллалардаги иштирокини оқлаб бўлмайди. Бинобарин, ер ресурслари бошқармаси бошлиғи Пўлат Нурмановнинг тан олишича, бошқарма томонидан мониторинг хулосаларида кўрсатилган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига мурожаат этилмаган. Оқибатда яра газак олиб, республикада пахта экилиши лозим бўлган ер майдонлари камайиб, унинг ҳисобига қонунга зид равишда шоли майдонлари кенгайиб борди.

Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади, дейди халқимиз. Хўжаликларнинг мансабдор шахслари йўл қўйган ножўя хатти-ҳаракатлар қонун кўмагида фош этилди. Айбдорлар Талғат Ўринбоев, Сафарбой Абдураҳмонов, Фарҳод Нуруллаев ва Мўмин Кенжаевларнинг жиноий қилмишлари гувоҳларнинг кўрсатмалари, мониторинг далолатномалари, ҳисоботлари, тафтиш хулосалари ва бошқа тегишли ҳужжатлар билан ўз тасдиғини топди. Яқинда жиноят ишлари бўйича Беруний туман суди уларнинг ҳар бирига қилмишига яраша жазо тайинлади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, кўзбўямачилик ўзини ўзи алдашдан бошқа нарса эмас. Шу боис унга қарши қаттиқ кураш олиб бориш лозим.

**Мирзааҳмад АЙМАНОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Тожимурод ЭШМУРОДОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

***"Тергачи" ширкат хўжалиги Косонсой туманида етакчи хўжаликларидан бири ҳисобланади. Ширкат хўжалигида пахтачилик ва бошоқли дон экинлардан ташқари пилла етиштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Бу ерда авлоддан-авлодга мерос сифатида ўтиб келаётган пиллакорлар сулоласи яшайди ва меҳнат қилади.***

# ТАҚДИМНОМА ТАЛАБИ



Бироқ хўжаликда пиллакорлар билан тузилаётган ўзаро меҳнат шартномаларига тўлиқ риоя этилмаяпди. Масалан, туман "Бош пиллахонаси" акциядорлик жамияти билан амалдаги йилда ипак қурти етиштириш бўйича тузилган контрактация шартномаларида шартноманинг сони ва унинг тузилган санаси қўйилмаган. Бу эса мутасаддиларнинг шартномага масъулиятсизлик билан ёндашганини кўрсатади. Афсуски, бундай ҳолни ғалладан мўл-кўл хирмон кўтариш борасида меҳнат қилаётган оилавий пудратчилар билан тузилган шартномаларда ҳам учратиш мумкин. Хусусан, жорий йил ғалла ҳосили учун тузилган шартномаларнинг ерни пудратга бериш далолатномасида балл бонитети, контур рақами ва чизмаси мавжуд эмас. Шартномалар ўтган 2003 йилнинг 16 сентябр куни тузилган. Лекин улар орадан 111 кун ўтиб, яъни 2004 йилнинг 5 январ куни туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида рўйхатдан ўтказилган. Бундай камчилик 28 нафар оилавий пудратчилар билан тузилган шартномаларда ҳам такрорланган.

Бундан ташқари, пахтачилик соҳасида тузилган контрактация шартномаларида ҳам бир қатор камчиликлар мавжуд. Шартномаларнинг ўз муддатида туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимидан рўйхатдан ўтказилмагани, ерни пудратга бериш далолатномасида ернинг балл бонитети кўрсатилмагани шулар жумласидандир. Мисол учун айтсак, оилавий пудратчи К.Ғаффоров билан жорий йилнинг 16 март куни тузилган 2-сонли, оилавий пудратчи А.Ёқубов билан тузилган 5-сонли шартномалар орадан 24 кун ўтиб мониторингдан ўтказилган. Ваҳоланки, қонун бўйича мониторинг уч кун ичида амалга оширилиши лозим. Озуқа экини бўйича жорий йилнинг 14 март кунида тузилган 4.100.000 сўмлик 4 та шартнома ҳам орадан 38 кун ўтиб, яъни 20 апрел куни туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида мониторингдан ўтказилган. Энг қизиғи, жорий йилда картошка ва сабзавот экинлари етиштириш юзасидан тузилган 28 та ички хўжалик шартномаларида оилавий пудратчиларнинг имзоси қўйилмаган бўлса-да, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимидан рўйхатдан ўтказилган.

Ўтган йили ғалла етиштирувчи оилавий пудратчиларга ер майдонлари далолатнома бўйича 3 йил муддатга берилган. Аммо ўтган 2003 йилда такрорий экин экиш учун ғаллачиликда ишламаган 21 нафар бошқа шахсларга ерлар шартнома асосида бериб юборилган. Ажабланарлиси шундаки, мазкур шартномалар хўжалик раиси томонидан имзоланмаган, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида рўйхатдан ўтказилмаган. Масалан, 2003 йилда такрорий экин экиш учун ғаллачиликда ишламаган фуқаро Д.Муҳсиновга 0,5 гектар, фуқаро З.Тўйчиевга 0,4 гектар, фуқаро А.Қорабоевга 0,20 гектар, фуқаро А.Ҳасановга 0,30 гектар, фуқаро М.Худойбердиевга 0,30 гектар ер майдонлари шартномага асосан турли хил қишлоқ хўжалиги экинлари экиш учун берилган. Устига устак, улар томонидан етиштирилган маҳсулотлар хўжалик

Qonun dastagi

ҳисобига кирим қилинмаган. Шунингдек, фуқаро Ш.Шарипов билан 0,30 гектар ер майдонида 4,5 тонна, фуқаро И.Саидов билан 0,25 гектар ер майдонида 3,7 тонна, фуқаро Ш.Эралиев билан 0,30 гектар ер майдонида 4,5 тонна сабзавот етиштириш юзасидан тузилган шартномалар бўйича етиштирилган маҳсулотлар тақдири ҳам шундай кечган.

Хўжаликда **"Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида" ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"**ги 1154 сонли Президент Фармони талаблари қўпол равишда бузилиб, 640.033 сўм дебиторлик ва 114.591.034 сўм кредиторлик қарзларининг тўлов муддатлари ўтказиб юборилган. Шунингдек, хўжаликда оилавий пудратчилар билан ички хўжалик шартномалари тузилган бўлса-да, ғалла ҳосилидан ташқари бошқа экинлар бўйича пудратчиларга чек дафтарлари тарқатилмаган.

Яқинда Наманган вилояти адлия бошқармаси баён этилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан Косонсой тумани ҳокимлигига тақдимнома киритди. Чунки юзакилик ва қонунбузарлик ҳеч қачон бировга фойда келтирмаган. Шу боис уларга иложи борича эртароқ чек қўйган маъқул.

**Илҳомжон ИСМОИЛОВ,**
**ҳуқуқшунос**

Huquqiy ma`rifat

# ЭКСПЕРТ ИШТИРОКИ

## ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Амалиётда судьяларнинг айрим соҳаларга оид махсус билимга эга бўлмагани туфайли баъзи фактларни суд томонидан текшириш ва тўғри баҳолаш анча қийин кечади. Ана шундай ҳолатларда судья махсус билимга эга бўлган ва мутахассис шахслар ёрдамида далилларни текширади. Зеро, экспертиза махсус билимга эга бўлган ва мутахассис шахслар ёрдамида далилларни текшириш усулидир.

Баъзи ҳолларда иш бўйича мавжуд бўлган фактларни аниқлаш лозим бўлган тақдирда, фуқаролик процессуал қонунчилик ҳамда Олий суд Пленуми қарорларида суд экспертизасини тайинлаш шарт экани ва экспертизанинг қандай туридан фойдаланиш лозимлиги белгилаб қўйилади. Лекин бошқа барча ҳолатларда фуқаролик ишлари бўйича экспертизанинг қайси турини тайинлаш ва қайси фан соҳаларидан фойдаланиш масаласини ишни кўришда қатнашаётган судьянинг ўзи ҳал қилади. Айтиш жоизки, судлар фуқаролик иши бўйича экспертиза тайинлаш ёки иш бўйича мавжуд ҳолатларни тўғри таҳлил этиш мақсадида махсус билимга эга бўлган мутахассисларни жалб қилиш борасида мустақилдир. Судья томонидан экспертлар олдига қўйилган саволлар иш ҳолатларини аниқлаш учун муҳим ва аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамда қонунда таъқиқланмаган бўлиши талаб этилади. Дарҳақиқат, суд экспертизасини ўтказиш тартибининг тўғри расмийлаштирилиши ва эксперт олдига қўйиладиган саволларнинг аниқ ҳамда мақсадга йўналтирилгани фуқаролик иши юзасидан асослантирилган хулоса олишнинг ҳуқуқий кафолатидир.

Фуқаролик процессуал қонунчиликда экспертларнинг бир қатор процессуал ҳуқуқлари баён этилган. Хусусан, эксперт иш материаллари билан танишиш, ишда иштирок этаётган шахслар ва гувоҳларга саволлар бериш, жойга бориб кўздан кечиришда иштирок этиш ва эксперт сифатида ўзини қизиқтираётган ҳолатларни аниқлаш учун ўзига қўшимча материаллар беришни суддан сўрашга ҳақли.

Эксперт ишда ҳуқуқий муносабат субъекти ҳисобланиб, ўзига белгиланган аниқ процессуал вазифаларни бажаради. Суд томонидан қўйилган саволлар асосида тадқиқот ўтказиш ва асосли хулоса чиқариб, судга тақдим қилиши шарт. Агар экспертиза ўтказиш жараёнида эксперт ишга оид янги ҳолатларни аниқласа, бу ҳолатни ўз хулосаларига киритишга ҳақли. Экспертнинг қолган барча вазифалари унинг экспертиза тадқиқоти ўтказиш ва ўз ёзма хулосаларини судга топшириши ҳамда унинг умумий мажбуриятларидан келиб чиқади. Эксперт суд мажлисида ўз ёзма хулосаларига қўшимча киритишга ҳақли бўлиб, бу ишлар суд жараёнида амалга оширилади.

Эксперт қилиб тайинланган шахсларга нисбатан фуқаролик процессуал қонунчилик бир қатор мажбуриятларни юклайди. Хусусан, ушбу шахслар суднинг чақируви бўйича суд мажлисида ҳозир бўлишга ва ўз олдига қўйилган масалалар бўйича холис хулоса беришга мажбур.

Агар эксперт суднинг чақируви бўйича суд узрсиз деб топган сабабларга кўра келмаса, унга энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солинади.

Эксперт била туриб, ёлғон хулоса берса ва суд узрсиз деб топган сабабларга кўра хулоса беришдан бош тортса, Жиноят кодексининг 238 ва 240-моддаси бўйича жавобгарликка тортилади (ФПКнинг 86-моддаси).

Одатда, экспертизани суд ўз ташаббуси билан тайинлайди, аммо тарафлар суд тайинлаган экспертларнинг текшириш ўтказишга қарши чиқишлари, уларни четлатиш ҳақида арз қилиши мумкин.

Қуйидаги ҳолларда эксперт суд процессидан четлатилади, агар:

**1) ишнинг пировард натижасидан шахсан, бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса ёхуд унинг холислигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса;**

**2) ишда иштирок этувчи тарафнинг ёки бошқа шахсларнинг қариндоши бўлса.**

Агар эксперт ишда иштирок этувчи тарафларга ёки бошқа шахсларга хизмат юзасидан ёхуд бошқача тарзда қарам бўлса, шунингдек, эксперт тафтиш ўтказган ёки хулоса ҳам берган бўлиб, унинг материаллари мазкур фуқаролик ишини қўзғатишга асос бўлиб хизмат қилган бўлса, уларни рад этиш тўғрисида арз қилиши мумкин.

Экспертни рад этиш масаласини ишни кўриб чиқаётган суд ҳал қилади.

Фуқаролик ишини судда кўриб ҳал қилиш жараёнида манфаатдор шахслар экспертларга саволлар бериши, уларнинг хулосалари тўғрисида ўз фикрларини айтиши, такрор экспертиза ўтказиш тўғрисида талаб қилиши мумкин. Текшириш ўтказиш учун экспертларни танлаш ҳуқуқи судга берилган. Бу масала юзасидан тарафларнинг ўзаро келишувлари суд учун мажбурий бўлмайди. Шу билан бирга тарафларнинг ҳар қайсиси бир неча нафар экспертнинг қайси бирини эксперт қилиб тайинлаш лозимлиги тўғрисида ўз фикрларини айтишлари мумкин, аммо бу масалани узил-кесил ҳал қилиш суднинг ваколатига киради.

Белгиланган тартибда экспертиза ўтказилганидан сўнг эксперт ўзининг хулосасини ёзма шаклда беради ва у ишга қўшиб қўйилади. Суд экспертга ўз фикрини оғзаки тушунтириб беришни таклиф қилиш ҳуқуқига эга. Оғзаки тушунтириш суд мажлисининг баённомасига ёзилади ва экспертга ўқиб берилади. Баённома эксперт томонидан имзоланиши шарт.

Шу ўринда айтиш жоизки, экспертнинг хулосаси суд учун мажбурий эмас ва суд унга белгиланган қоидаларга биноан баҳо беради. Экспертнинг хулосасига суднинг қўшилмагани сабаби иш бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорида ёки ажримда асослантирилган бўлиши талаб этилади. Акс ҳолда суднинг ҳал қилув қарори ёки ажрими асослантирилмаган, деб топилиши ҳамда юқори судлар томонидан бекор қилиниши мумкин.

Экспертнинг хулосаси олинганидан сўнг суд улар олдига қўйилган саволларга жавоб олинган-олинмагани, уларга берилган материаллардан қандай фойдалангани, хулосаларнинг текшириш материалларига мувофиқ келишини аниқлайди. Эксперт (экспертларнинг)нинг хулосаси қатъий бўлсагина, суд томонидан исботлаш воситаси (далил) сифатида фойдаланилиши мумкин. Булар эксперт иштироки фуқаролик процессида муҳим аҳамиятга эгалигини кўрсатади. Чунки унинг хулосаси суд ҳукмининг асослилиги ва одиллигини таъминлайди.

**Сардор БОЗОРОВ,**
**Улуғбек АШУРОВ**



*Сув ёқасида*

# ИЖРО НАЗОРАТИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Faoliyat

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Қарздорни кўчириш тўғрисидаги ижро ҳужжати ижрога берилгандан сўнг қарздорга уни бажариш учун беш кун муҳлат берилади. Белгиланган муддатда у ихтиёрий кўчиб кетмаган тақдирда кўчириш суд ижрочиси томонидан мажбурий тартибда амалга оширилади. Кўчириш холислар иштирокида ички ишлар ходимлари кўмагида мол-мулк хатланган ҳолда амалга оширилади.

Зарур ҳолларда суд ижрочиси томонидан қилинадиган ҳужжатлар қарздорнинг зиммасига юкланган ҳолда мол-мулкнинг сақланишини таъминлайди. Мол-мулк кўпи билан уч йил сақлаб турилади, бу муддат ўтгач, мол-мулк эгасиз ҳисобланиб, қонунда белгиланган тартибда сотилиб, пули давлат фойдасига ўтказилади. Кўчириш тўғрисидаги ижро ҳужжатини ижро этиш суд ижрочиси томонидан далолатнома тузиш орқали амалга оширилади.

Қарздор томонидан ундирувчининг яшашига ҳалақит қилинса, тегишли жавобгарлик чоралари қўлланилади. Агар ундирувчи тегишли хонада ҳар куни монеликсиз фойдаланиш имконияти таъминланган бўлса, ижро ҳужжати ижро этилган ҳисобланади. Ижродан сўнг ҳам қарздор ундирувчининг яшашига яна монелик билдирса, ижро ҳужжати қайта тикланиши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, суд ҳужжатлари ва бошқа идоралар ҳужжатларини ижро этишда муҳим ўрин тутаётган бу қонун ўзининг аниқлиги ва ҳар томонлама пухталиги билан ижро самарадорлиги ошишида муҳим ўрин тутмоқда.

Тошкент шаҳар Бектемир тумани суд ижрочилари ҳам шу асосда самарали натижаларга эришяпти. Туманда беш нафар ижрочи фаолият юритаётганига қарамай, ижро ҳужжатлари ўз вақтида ва сифатли ижро этиляпти. Ўтган йили 3,5 мингга яқин ҳужжат ижроси сифатли таъминланган бўлса, бу йил шу кунгача беш мингдан ортиқ ижро ҳужжати келиб тушган ва уларни амалга ошириш изчиллик билан олиб борилмоқда.

Ижро жараёнида мажбурий ижро масаласига жиддий эътибор қаратилиб, суд ижрочиларининг қонуний талабларини ўз вақтида ёки умуман бажармаган жисмоний ва мансабдор шахсларга нисбатан қонунда белгиланган чораларни қўллаш фаолияти янада кучайтирилди.

Айни вақтда фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг мурожаатларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш, меҳнат низолари билан боғлиқ бўлган шикоятларнинг барчаси қонун доирасида ҳал қилинмоқда.

**Холбой ОДИЛОВ,**
**суд ижрочиси**

Jahon tajribasi

***Эркин ва адолатли сайлов тизими ҳар қандай демократик давлатнинг асосий белгиларидан бири ҳисобланади. Сайлов тизими деганда давлатда вакиллик идораларини шакллантириш юзасидан мавжуд бўлган ва фуқароларни сайловга жалб этиш, сайловларни ташкил қилиш, депутатнинг сайловчилар билан ўзаро муносабатларини белгилайдиган тартиб назарда тутилади. Жаҳон мамлакатларининг давлат қурилиш тажрибасида сайлов тизимининг мажоритар, пропорционал ва аралаш турлари қўлланилади.***

# ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИ САЙЛОВ ТИЗИМИ

**Мажоритар** тизим деганда (французча majorite — кўпчилик сўзидан олинган) конституциявий ҳуқуқда вакиллик идораларига сайловларда овоз бериш натижасини аниқлаш тушунилади. Мажоритар тизимида қонун билан белгиланган кўп овозни олган номзод (ёки номзодлар рўйхати) мазкур округ бўйича сайланган ҳисобланади. Ҳозирги замон конституциявий ҳуқуқида мутлақ ва малакали кўпчилик овозига асосланган мажоритар тизимлар кўпроқ қўлланилади. АҚШ, Буюк Британия, Ҳиндистон, Мексика сингари давлатларда ана шу тизимга амал қилинади.

Мутлақ кўпчилик овозига асосланган мажоритар тизимда берилган ва ҳақиқий деб топилган овозларнинг умумий сонидан мутлақ (ёки оддий) кўп овоз (яъни 50 фоиз+1та овоз) олган номзод сайланган деб эътироф этилади. Агар номзодлардан биронтаси ҳам етарлича овоз олмаса, қайта овоз бериш ўтказилади, бунда номзодлар рўйхатида нисбатан кўп овоз олган иккита номзод қолдирилади. Баъзан қайта овоз бериш ўрнига 2 тур овоз бериш ўтказилади, бунинг натижалари бошқача тизим бўйича аниқланади.

Масалан, Францияда Миллий мажлисга сайловларда мутлақ кўпчилик овозига асосланган, 2-тур овоз беришда эса нисбатан кўпчиликнинг овозига асосланган мажоритар тизим қўлланилади.

Нисбатан кўпчилик овозга асосланган мажоритар тизим энг содда тизим бўлиб, бунда номзодлар орасидан ўз рақибларининг ҳар бирига нисбатан кўп овоз олган номзод сайланган ҳисобланади. Бу тизимида кўпинча сайловчиларнинг қўллаб-қувватлашига эга бўлмаган партия парламентда кўп ўринга эга бўлиши мумкин. АҚШ, Буюк Британия ва бошқа бир қанча давлатларда мажоритар тизимнинг ана шундай шакли қўлланилади. Шунингдек, мажоритар тизимнинг камдан-кам ҳолларда қўлланиладиган яна бир тури малакали кўпчилик овозига (умумий овозларнинг 2/3, 3/4 қисмига) асосланган мажоритар тизим ҳам мавжуд. Масалан Чилида парламентнинг қуйи палатаси Депутатлар палатасига сайловларда шундай тизим қўлланилади. Бироқ бунда фақат жуда оз номзодлар сайловчиларнинг 65 фоиз овозини олиши мумкин бўлганлиги учун мандатлар одатда вакилликнинг пропорционал тизими бўйича тақсимланади.

Ҳар бир сайлов округидан сайланадиган депутатларнинг сонига қараб бир мандатли ёки кўп мандатли мажоритар тизимлар бўлиши мумкин. Бир мандатли мажоритар тизимида бир округдан бир депутат сайланади. Кўп мандатли мажоритар тизимда бир округдан бир неча депутатлар сайланади.

Пропорционал сайлов тизими овоз бериш натижаларини аниқлашнинг бир мунча мураккаб тартиби бўлиб, бунда мандатлар ўз номзодларини вакиллик идораларига қўйган партиялар ўртасида улар томонидан олган овозларнинг сонига мос равишда тақсимланади. Пропорционал сайлов тизимида катта-катта сайлов округлари тузилиб, уларда ҳар бир партия ўз номзодлар рўйхатини илгари суради, сайловчи эса тегишли партияларнинг рўйхати учун овоз беради. Овоз бериш натижаларини аниқлаш учун сайлов мезони (ёки квота), яъни бир депутатлик мандатини олиш учун зарур бўлган овозларнинг энг кам миқдори (одатда 4-5 фоиз қилиб) белгиланади. Бунда муайян партиянинг номзодлари ана шу белгиланган овозларни олгандан кейингина мандатларни тақсимлашда қатнашади. Аввало сайловчиларнинг берган овозларининг миқдори депутатлик ўринларининг сонига бўлинади. Шунда битта мандат доирасидаги овозлар сони маълум бўлади. Кейин ҳар бир партия олган овозлар алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқилади. Бу миқдор депутатнинг бир мандати учун зарур бўлган овозлар миқдорига бўлинади. Шунда мазкур партияга берилган депутатлик ўринлар сони келиб чиқади.

Бундай тизимда сайловчи амалда номзод учун эмас, балки сиёсий партия учун овоз беради. Сайловчиларнинг овози белгиланган меъёр доирасида ва мутаносиб раившда депутатлар мандатлари сонини келтириб чиқаради. Бу ўринла партия раҳбар идоралари томонидан партиявий рўйхатнинг бош қисмидан жой олган номзодларга берилади.

Пропорционал сайлов тизими Исроил, Венгрия, Австрия, Дания, Испания, Польша каби кўплаб мамлакатларда мавжуд.

Аралаш сайлов тизими ўзида ҳам мажоритар, ҳам пропорционал сайлов тизимлари унсурларини мужассам этади. Масалан, Германияда Бундестагга сайловларда аралаш тизим қўлланилади. Унинг депутатларининг ярми бутун мамлакат ҳудудини қамраб олган бир мандатли сайлов округларида нисбатан кўпчилик овозига асосланган мажоритар тизим бўйича, иккинчи ярми эса кўп мандатли сайлов округлари ҳисобланган герман ўлкалари (федерация субъектлари)да сиёсий партиялар томонидан илгари сурилган номзодлар рўйхати асосида пропорционал тизим бўйича сайланади. Аралаш сайлов тизими Болгария, Грузия, Литва, Италия ва бошқа мамлакатларда ҳам кенг қўлланилади.

Кўриниб турганидек, ҳозирги замон сайлов тизими одамларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш ва сайланувчи номзод тимсолида манфаатларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

**Ҳайдарали МУҲАММЕДОВ,**
**юридик фанлари номзоди**

Ehtiyot bo`ling, firibgar!

***Аслини айтганда, ҳаёт фақат қувонч ва байрамлардан иборат эмас. У зиддиятли ва мураккаб яралган. Унинг синовларига бардош берган, қийинчилик ва машаққатларни енгган киши, ҳеч шубҳасиз, ўзидан муносиб из қолдиради. Нафс қутқуси ёки бошқа сабаб бўлибми, тўғри йўлдан адашган, енгилнинг ости, оғирнинг устидан юришга уринган кимса эса охир-оқибат эл ўртасида юзи қора бўлиши тайин.***

# САККИЗИНЧИ “МИЖОЗ”





Одам пулга муҳтож бўлиб қолса, яқин танишларидан қарз олади. Икки йил бурун Маҳсума Аҳмедова таниши Саодат Ашуровадан 400 АҚШ доллари миқдорида қарз бериб туришини сўради. Саодатнинг бунча пули йўқ эди. Шунинг учун у дугонаси Олима Ҳайитовадан таниши сўраган маблағни олиб берди.

2003 йилнинг сентябр ойи бошларида Олима Саодатга қарзни қайтариш муддати ўтиб кетаётганини эслатди.

— Ҳозирча дугонангга 100 долларни бериб тур. Қолганини тез орада етказаман, — деди Маҳсума. — Ишон, чин сўзим.

— Сенга Олима яхшилик қилиб қарз берди. Шундай ҳам уни қайтаришни чўзиб юбординг. Инсоф қилиш керак-да, — деди Саодат.

Бироқ шу чоғ уларнинг суҳбатини телефон қўнғироғи бўлиб юборди. Саодат гўшакни кўтарди: Райҳон Сафарова деган аёл экан. Саодат у билан очилиб-сочилиб сўраша кетди. Сўнг у моддий жиҳатдан бироз қийналаётгани, хорижга чиқиб келиш нияти борлигини, бироқ паспортига рухсат белгиси қўйилишига қийналаётганидан нолиди. Маҳсума суҳбатни эшитиб, гап нима ҳақда бораётганини дарров илғаб олди.

— Менинг танишим бор. Исми Наталья. Иш жойининг тайини бўлмаса ҳам жуда уддабурро. Пабло Неруда кўчаси 12/2 уй, 64 хонада яшайди. Телефон рақами ҳам бор, — деди Маҳсума. — Хорижга чиқиш учун рухсат олиб бериш қўлидан келади. Унинг уйига тез-тез бориб тураман. Дугонангга айт, хотиржам бўлаверсин.

“Алпомиш” кўчаси, 6/2-уй, 44-хонада умргузаронлик қилаётган Райҳон Сафарова дугонасидан Натальянинг ҳожатбарорлигини эшитиб хурсанд бўлди. Шундан сўнг орадан кўп ўтмай улар қўнғироқлашишди. Ўз навбатида Наталья 250 АҚШ доллари эвазига мушкулини осон қилишга ваъда берди.

“250 доллар?! Бунча пулни қаердан оламан?! Иштаҳаси чакки эмас. Негадир кейинги пайтларда таъмагиру фирибгарлар кўпайиб қолди”, дея хаёлидан ўтказди Райҳон. Кейин у ўйлай-ўйлай бу ҳақда тегишли идорага хабар берди.

Ўтган йили 12 сентябр куни келишувга биноан кундуз соат 13.00 да Наталя Райҳон Сафарова билан Бухоро шаҳридаги Мустақиллик кўчасида жойлашган “Чинор” чойхонаси ёнида учрашишди. Наталя “мижоз”ни уйига бошлаб келди. Унинг паспортини олиб, ярим соатлар чамаси қаергадир ғойиб бўлди. “Меҳмон” ҳожатбарорини кутиб ўтирди.

Пабло Неруда номидаги кўча 9/5 уй, 35-хонада Наталянинг бекорчи қариндоши Сергей Муковозов яшарди. Унинг 3 дона сохта думалоқ муҳр ва 5 дона тўртбурчак штампи бор эди. Райҳон Сафарованинг паспорти 12 саҳифасига сохта муҳр ва штамп босилгач, Наталя яна уйига равона бўлди.

— Сиздай назокатли аёлларга хизмат қилишга тайёрмиз. Марҳамат, мана паспортингиз. Жаҳоннинг барча мамлакатлари дарвозалари сиз учун энди очиқ. Долларни чўзинг, хоним, — дея яйраб сўзлади Наталя “мижоз”га. — Фақат бир гапни айтиб қўяй. Уч норасида фарзандим ҳаққи сизни алдаш ниятим йўқ. Ҳушёр бўлинг. Чунки муҳр ҳам, штамп ҳам вилоят ИИБ хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни белгиловчи бўлими бошлиғи Одил Сайфиддинов ўрнига қўйилган имзо ҳам сохта. Аммо ҳозирга қадар биронта ҳам мижозлар тўсиққа дуч келгани йўқ.

Райҳон паспортига босилган муҳр ва штампга ним табассум билан разм солди. “Дунёнинг барча мамлакатларига чиқиш учун” деган сўзларни ўқиб, мийиғида кулиб қўйди. Ҳожатбарорига 250 АҚШ долларини санаб берди. Ўшанда 1 долларнинг сўмга нисбатан қиймати 973 сўм 90 тийин эди. Бу дегани 234.475 сўм!

Райҳон қайта-қайта раҳмат айтиб, Наталья билан хайрлашди. Кейин Наталья уйга кириб, мижозини деразадан кузатиш ниятида ташқарига қараган эди, йўлакка отилиб кираётган милиция ходимларига кўзи тушди.

***(Давоми тўртинчи бетда)***

Mitti maslahat

# НИКОҲ ТУГАТИЛИШИ ТАРТИБИ

Оила кодексида белгиланишича, эр-хотиндан бирининг вафоти; суд тартибида бедарак йўқолган эр ёки хотиндан бирининг ўлган деб эълон қилиниши, эр-хотиндан бири ёки ҳар иккаласининг аризасига мувофиқ ажралиш йўли билан, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган эр ёки хотиннинг васийси берган аризасига мувофиқ никоҳ муносабати тугатилиши мумкин.

Санаб ўтилган фактлар никоҳ тугатилишининг асосларидир. Никоҳдан ажралиш юқорида келтирилган икки асосдан фарқ қилиб, фақат эр-хотиннинг ҳаётлигида рўй беради. Ўлим юридик факт бўлиб, эр-хотин ўртасидаги никоҳ муносабатларини тугатади.

Эр-хотиндан бирини суднинг ҳал қилув қарорига асосан ўлган деб эълон қилиш ўз ҳуқуқий оқибати бўйича ўлимга тенглаштирилади. Шунинг учун ўлган деб топилган шахс билан унинг эр ёки хотини ўртасидаги никоҳ ҳам тугатилади.

Никоҳ жамиятда бирга тузилган иттифоқ демакдир. Муайян ҳолатларда, агар оила амалда бузилган бўлса, у ажралиш асосида тугатилган бўлиши мумкин. Никоҳдан ажралиш эр-хотин ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни тўхтатишга асос бўлади. Бундай ажралиш никоҳни ҳақиқий эмас, деб топишдан фарқ қилади. Никоҳни ҳақиқий эмас, деб топишда никоҳ вужудга келган вақтдан бошлаб ҳуқуқий муносабатлар тугалланган бўлиб ҳисобланади. Бироқ никоҳдан ажралиш билан барча ҳуқуқий муносабатлар тугалланмайди. Масалан, собиқ эр-хотиндан бирининг алимент олиш ҳуқуқи бундай ҳолда сақланиб қолади.

**Раҳимиддин**
**ХУДОЙҚУЛОВ**

Saboq

# ШАРТНОМА – ЛАФЗ КАФОЛАТИ

***Шартнома муносабатлари бозор иқтисодиётининг асосий воситалардан бири бўлиб, у томонларнинг тенг ҳуқуқлигига асосланади. Ўзаро келишув ва лафзга мувофиқ тузилган шартнома расмийлаштирилгандан сўнг юридик ҳужжат мақомига эга бўлади ва унинг шартлари белгиланган муддатларда бажарилиши шарт.***

Афсуски, айрим буюртмачилар шартномани тузишга тузадию, ҳисоб-китобга келганда лафзсизлик қилмоқда. Шартномавий муносабатлар эса бундай қонунбузилиш ҳолатларини асло кечирмайди.

Шартнома тўловларини кечиктиришдан биринчи навбатда корхонанинг ўзи жабр кўради. “Ҳисобини билмаган икки марта тўлайди” деганларидек, муддати ўтган қарз кундан-кунга кўпайиб бораверади. Буни қуйидаги мисол ҳам яққол тасдиқлайди. Тошкент шаҳар йўл қурилиш ва таъмирлаш тресты ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ободонлаштириш бошқармасининг капитал қурилиш бошқармаси ўртасида қурилиш ишларини амалга ошириш юзасидан 44-сонли шартнома тузилди.

Йўлсозлар шартномада белгиланган бўнак пулига ҳам кўз тутмай, ўз маблағлари ҳисобидан йўл қурилиш ишларига киришиб кетдилар. Тез орада пойтахтимизнинг Уйғур ва Зиё Саид номидаги кўчалари тўлиқ таъмирланди.

Белгиланган муддатларда пудратчи шартномада қайд этилган ишни бажарган бўлса-да, буюртмачи хизмат ҳақини тўлашни пайсалга солди. Аслида эса шартноманинг 4.3 бандига кўра “Капитал қурилиш бошқармаси” тегишли ишни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномалар тузилгач, 15 кун ичида ҳисоб-китобни амалга ошириш мажбуриятини олган. Бироқ орадан 6 ойдан кўпроқ вақт ўтиб кетганига қарамай шаҳар капитал қурилиш бошқармаси мутасаддилари ваъдадан нарига ўтишолмади.

Энг ёмони, бу вақт ичида буюртмачининг лафзига ишониб катта миқдордаги маблағини сарф қилиб юборган йўл-қурилиш корхонаси оғир вазиятга тушиб қолди. Кўплаб мутасадди ташкилотларга ёрдам сўраб қилинган мурожаатлар натижа бермади.

Шундан сўнг 2004 йил 2 феврал куни Тошкент шаҳар йўл қурилиш ва таъмирлаш тресты бошқарувчиси Р.Султонов Тошкент шаҳар адлия бошқармасига ариза билан мурожаат қилди.

Аризани ўрганиш натижасида 2003 йил 2 июндаги қурилиш пудрат ишларини бажариш юзасидан тузилган 44-сонли шартноманинг 4.3 банди талабларига зид равишда Тошкент шаҳар йўл қурилиш ва таъминлаш тресты томонидан бажарилган 1.140.535.046 сўмлик қурилиш ишлари учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмагани аниқланди.

Дебиторлик қарзини ундириш юзасидан 2004 йил 2 февралида капитал қурилиш бошқармасига қурилиш ва таъмирлаш тресты томонидан талабнома юборилган бўлса-да, **“Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”**ги қонуннинг 18-моддаси талабларига зид равишда унга тегишли тартибда жавоб берилмаган.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, мазкур талабномада бош пудратчи жабр кўрганига қарамай буюртмачига энг мақбул таклифни киритганди. Афсуски, бошқарма раҳбарлари бу имкониятда фойдаланишни ўйлаб ҳам кўрмаган.

Адлия бошқармаси ходимлари баён этилган қонунбузилиш ҳолатлари, капитал қурилиш бошқармаси бош ҳисобчиси, шунингдек, бошқа масъул ходимларнинг ўз хизмат вазифаларига ҳамда шартномавий муносабатларга совуққонлик билан қарагани оқибатида келиб чиққан, деган хулосага келишди. Шундан сўнг бошқарма Тошкент шаҳар ҳокимияти ободонлаштириш бошқармасининг Капитал қурилиш бошқармаси бошлиғи номига 13/2-214 рақамли шартнома ижросини таъминлашда йўл қўйилган қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритди.

Афсуски, шу йил 15 мартдаги эслатмадан сўнг ҳам мутасаддилар адлия идорасига жавоб беришни лозим топмади.

Тошкент шаҳар ҳокимининг шу йил 19 январдаги 36-сонли қарори билан ободонлаштириш бош бошқармасининг Капитал қурилиш бошқармаси тугатилиб, унинг ҳуқуқий вориси этиб Тошкент шаҳар ҳокимиятининг ягона буюртмачи хизмати — Инжиринг компанияси тасдиқланган.

Шуни таъкидлаш жоизки, амалдаги шартномалар учун тўлиқ масъулият ҳуқуқий ворис зиммасига юклатилади. Шу боис мазкур масалани узил-кесил ҳал қилиш учун Тошкент шаҳар адлия бошқармаси “Шаҳар йўл қурилиш ва таъмирлаш” тресты манфаатларини кўзлаб, Тошкент шаҳар хўжалик судига шу йил 23 февралда 214-13/2 рақамли даъво аризаси киритди.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг шу йил 2 апрелдаги ҳал қилув қарорига кўра Тошкент шаҳар ҳокимлиги ягона буюрмачи хизмати — Инжиринг компаниясидан Йўл қурилиш ва таъмирлаш тресты фойдасига 1.140.535.046 сўм асосий қарз ва 27372841 сўмлик устама ундириладиган бўлди.

Ҳечдан кўра кеч яхши, деганларидек, суддан сўнг орадан 20 кун ўтгач, Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг тақдимномасига Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошидаги ягона буюртмачи хизмати — Инжиринг компанияси директорининг имзоси чекилган жавоб олинди. Унда бош ҳисобчи ўринбосари Р.Файзуллаевга “ҳайфсан” интизомий жазоси берилгани хабар қилинади.

Умуман олганда, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан шаҳар йўл қурилиш ва таъмирлаш тресты манфаатларини кўзлаб, 17 та хўжалик юритувчи субъектлардан жами 2.337.301.209 сўм пул маблағини ундириш юзасидан хўжалик судларига даъво аризалари киритилди. Шундан 2.103.857.563 сўмлик даъво аризалари қаноатлантирилган.

Муҳим юридик ҳужжат мақомига эга бўлган шартномада кўрсатилган тадбиркорлик субъектларининг ҳақи ҳеч қачон куймайди. У эртами-кечми, албатта, ундириб олинади. Баён этилган мисол ҳам бунинг исботидир.

**Зафар ОЛИМОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Рустам ХУДОЙҚУЛ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

***Турли хил идора ва дўкон номлари, шиор ва чақириқлар, реклама ва концерт афишалари каби кўча ёзувларига кўзи тушмаган одам кам топилади. Бу эса уларнинг кундалик ҳаётимизда жуда катта ўрин тутишини англатади.***

***Хўш, кўча, майдон ва хиёбонлардаги ёзувларнинг аҳволи қандай? Улар ҳар доим ҳам тўғри ёзилаяптими?***

# ЎЗЛИГИМИЗ КЎЗГУСИ

Шаҳар кўчаларидаги ҳар бир ёзув шунчаки бирор-бир товар ёки аллақайси тадбир тўғрисидаги реклама ифодаси эмас, балки мамлакатдаги тараққиёт даражасини, миллат маданий-маърифий савиясини кўрсатадиган ўзига хос бир кўзгу ҳисобланади. Чунки узоқ-яқиндан келадиган меҳмонларнинг кўзи дастлаб уларга тушади. Болаларимизнинг шунга қараб саводи чархланади, бировлар билмаган сўзини улар орқали билиб олади. Шундай экан, кўча ёзувларига эътибор тилимизга, маданиятимизга эътибор демакдир.

Афсуски, баъзан кўча ёзувларини битишда бошбошдоқлик ҳоллари учрамоқда. Чунки ҳар бир дўкон ё кичик корхона эгаси ўзига истаган номни қўяди. Шу ном бошқа бирон жойда рўйхатга олинмаган бўлса, кифоя — тасдиқдан ўтказади-қўяди. Ана энди уни пешлавҳа қилиб кўчага осишга биров қаршилик қилиб кўрсинчи?!

Масалан, бир кўчада "Гарнигор" деган магазинга дуч келдим. Бу... нима дегани бўлса? Асли "Зарнигор"у бирон рассом янглишиб шундай ёзиб берганмикин? Суриштирсам, ҳақиқатда ҳам, "Гарнигор" экан, шу кўчадагилар ҳам ўрганиб, "Гарнигор" магазини ёнида турамиз, деб айтишар экан. Янаям ажабланарлиси шуки, унинг ёнида "Миржолон"... деган ошхона ҳам бор. Унинг асли номи "Миржалол" ё "Миржавлон" эмасмикан?

Баъзан эса оддийгина "ошхона" ёки "дорихона" деб ёзишни ҳам эплаёлмай, "ошҳона", "дориҳона" тарзидаги саводнинг "ғовлаб кетгани"дан келиб чиқадиган нуқсонлар бунинг биринчи тури бўлса, чет тилининг таъсирини бартараф қила олмасдан, чала таржималар иккинчи турига киради. Бунга "Тошкент қувур заводи" дейиш ўрнига "Тошкент қувур<u>лар</u> заводи" ("Ташкентский завод трубопровод<u>ов</u>"нинг сўзма-сўз таржимаси) мисол бўла олади.

Учинчи тури эса ҳозир ҳаётимизга шиддат билан кириб келаётган инглиз тилининг салбий таъсирини пайқамаслик туфайли келиб чиқадиган нуқсонлардан иборат. Инглиз тилининг хусусияти шунақаки, битта жумланинг ўзида бир неча сўз бош ҳарф билан берилавериши мумкин. Лекин ўзбек тилида бунақа эмас. Метрога тушсангиз, баъзи-бир рекламанинг бош-кетини, қайси ёзувда битилганини тополмай, анграйиб қоласиз: "NESTLE(?)нинг <u>О</u>вқатланиш <u>Т</u>артиби"! Бу рекламанинг давоми бундан ҳам бешбаттар...

Мамлакатимиз кўча ёзувлари давлат тилида, яъни юртимиз туб аҳолисининг тилида бўлиши шарт. Лекин бирон жойга ошиқиб турган бўлсангиз-у кўчага чиқиб, шахматнусха белгиси бор енгил машинага қўл кўтарсангиз, бирига "Taksi" деб ёзилган бўлса, бошқасига "Taxi" деб битилганини кўрасиз. Савол туғилади: хўш, уларнинг қайси бири тўғри?

Магазин, ресторан ва ошхоналар номини қайси тилда ва қайси ёзувда битилиши ҳозиргача аниқ-тиниқ эмас. Ошхонасига "У Андрея" деб ном қўйиб, буни гўёки давлат тилида "U Andreya" деб ёзиш давлат тилини ҳам, у ҳақдаги қонуннинг талабини бузишдан бошқа нарса эмас.

Бошқа бир тоифа эса дўкончасига ғирт ажнабий ном қўяди ва уни шу тилда битади ҳам. Нима, шу билан сенинг магазинингга ажнабийлар кириб, валютада ақча тўлармиди, дейдиган бир одам йўқ.

Тўғри, ҳозир замон — бозор иқтисодиёти даври, моддий манфаат айримлар учун ҳаёт-мамот масаласи, бошқа ҳамма нарса кейинги даражали бўлиб туюлиши мумкин. Аслида эса ҳар бир миллат ўз шаъни учун курашиши лозим.

Энди пешлавҳаю рекламалардан бошқа ёзувларга ҳам диққат қилсак, битта нарса аён бўлди: илгари қайси колхоз ё завод еридан ўтар бўлсангиз, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари меъдангизга уриб кетар эди. Ҳозир улар барҳам топди, ўрнига ибратли гаплар, маънили даъват ва чақириқлар чиройли қилиб битилаяпти. Лекин уларда баъзан оддий, шу билан бирга қўпол имловий хатоларга йўл қўйилаётгани кишининг ғашига тегади. Кўча ёзувларидаги бу каби иллатлар фикрсизликдан, она тилимиз мавқеи учун куйинишнинг етишмаслигидан пайдо бўлади. Чунки фикрлайдиган инсон она тилининг ўзлик кўзгуси эканини яхши англайди ва унга ҳамиша эътиборда бўлади.

Шу ўринда баён этилган муаммонинг ечимини топиш нималарга боғлиқ, деган савол туғилиши табиий. Бунга жавобан шуни айтиш жоизки, бу масалани атрофлича муҳокама этиш ва унинг самарали воситаларини ишлаб чиқиш лозим. Хусусан, тил ва ёзув борасидаги камчиликларга барҳам бериш учун саводли ва мулоҳазали зиёлиларнинг бошини қовуштириб, уларнинг ёрдамидан оқилона фойдаланиш зарур. Ана шундагина мамлакатимиздаги барча кўч-кўй, мактаб ва идоралар, йиғилишларда элнинг назарида турадиган ҳар бир ёзув она тилимизнинг миллий табиатига мос, жозибадор бўлади. Бу эса ўз навбатида одамларнинг саводхонлик савияси юксалишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

**Зуҳриддин ИСОМИДДИНОВ**

Mushohada

Ma`rifat saboqlari

# ЙЎЛДАН АДАШГАНЛАР ФОЖЕАСИ

## НИЗОМУЛМУЛКНИНГ «СИЁСАТНОМА» АСАРИДАН ПАРЧА

***(Давоми.***
***Боши ўтган сонда)***

Қубод ҳам чиқиб кетади, мубадлар ҳам тарқаладилар. Маздак мазҳабида бўлганларнинг эътиқодлари яна ҳам мустаҳкамланиб, шод-хуррам бўладилар.

Кечқурун Қубод Нўширавонга дейди:

— Мубад мени сенга ташлаб кетди, сен бу мазҳабни йўқ қилишни билар экансан. Бу ишнинг иложи нимада эди?

Нўширавон жавоб беради:

— Агар худовандим бу ишни менга буюрса ва бу сўзларни ҳеч кимга айтмаса, мен иложини қилиб, Маздак ва унинг тарафдорларига қирон келтираман.

Қубод дейди:

— Ҳеч ким билмайди, бу сўзлар ўртамизда қолади.

— Билиб қўй, Мубад ўз ожизлигини очиқ-ойдин билдириб, Порсга кетди. Маздак ва маздакийлар жуда ҳам шодланибдилар. Ҳозир биз Маздакка қасд қилсак, уни ўлдириш ҳеч гап эмас, аммо унинг тарафдорлари кўп бўлиб, тарқалиб кетишлари мумкин. Улар куч йиғиб, жойларни қўлларига оладилар, биз ва давлатимизга зиён етказадилар. Биз шундай қилишимиз керакки, бу мазҳабдан бир нафар киши ҳам тирик қолмасин ва қиличимиз зарбидан озод бўлмасин.

Қубод дейди:

— Нима маслаҳат берасан?

— Иложи шуки, Маздак оташхонасидан чиқиб, малик олдига келса, унинг мартаба ва унвонларини янада кўтариб, олдингидан ҳам кўпроқ ҳурмат қилсин. Сўз орасида "Мубад кетгач, Нўширавон ўз ожизлигини тан олганидан сўнг пушаймон еб, мазҳабимизга кирмоқчи", деб айтсин.

Етти кундан кейин Маздак Қубод олдига келади, малик уни ҳурмат қилиб, иззатини жойига қўйиб, Нўширавон сўзларини айтиб беради. Маздак дейди:

— Нўширавонга кўп одамлар қулоқ солади. Агар Нўширавон бизнинг мазҳабимизга ўтса, бутун олам бу мазҳабга ўтади. Мен оловдан шафоат тилаб, Тангридан мадад сўрайман, токи у мазҳабимизга иймон келтирсин.

— Яхши қиласан, у менинг валиаҳдимдир. Қўшин ва раият ҳам уни қаттиқ яхши кўради. У мазҳабга кирса, қолганлар ҳам баҳона топмай, таълимотингни қабул қиладилар. Агар Нўширавон бизнинг мазҳабга кирса, мен Худодан кўмак сўраб, унинг шарафига Дажла соҳилида бир минора қуриб, устида бир заррин қаср соламан. Гуштасп ўз даврида Зардушт шарафига Кашмирда тошдан минора қурган экан.

Маздак рози бўлади:

— Сен унга насиҳат айла, мен эса дуо қиламан, умидимиз шуки, мақсадларимиз мустажоб бўлур, - дейди.

Кечаси Қубод бўлган воқеани Нўширавонга айтиб беради. Нўширавон эшитиб дейди:

— Эртага Маздакни кўрсанг, унга "Нўширавон мазҳабимизга кирди, деб айтгин. Сабаби шуки, у ҳаммаслакларимиз сонини кўриб, шод бўлди. Беш минг нафар киши бўлганларида ҳам қарши чиқса ҳам парвойим йўқ. Ўртамизда нима гап бўлса, фақат сен, Нўширавон ва мен билишим керак", дегин. Кейин одам юбориб, мени чақиртир.

Ярим кечаси Маздак ноғора ва карнай овозини эшитиб, Нўширавон мазҳабни қабул қилди, деб ўйлайди ва эртасига саройга келади. Қубод ўғлининг сўзларини Маздакка айтади. Маздак шод бўлади. Қубод маросимидан сўнг Қубод ва Маздак бу хилват жойга ўтирадилар. Нўширавонга одам юборадилар, у келиб олдиларига киради. Маздак унга дарров дуру гавҳарлар совға қилади, бир-бирларидан узр сўрайдилар. Ўзаро тил бириктириб, охири бир қарорга келганларида Нўширавон Қубодга дейди:

— Сен подшоҳсан, Маздак тангрининг пайғамбари, менга лашкарбошилик мансабини бер. Мен шундай қиламанки, оламдаги бирор киши бизнинг мазҳабимиздан ташқарида қолмайди.

Ҳаммалари шавқ билан уни қабул қиладилар.

Нўширавон Қубодга дейди:

— Энди Маздак ҳамма жойларга кишилар юбориб, қишлоқ ва шаҳарлардан ўз одамларини саройга чақиртиради. Уларга уч ойдан кейин фалон ҳафта куни ҳозир бўлишларини буюради. Биз эса аниқ бўлган кунгача шунча одамнинг ғамини еб, улар учун қурол-аслаҳа тайёрлаймиз. Керак бўлган нарсаларни ҳеч кимга билдирмай тўғрилаймиз. Ваъда қилинган кун бир дастурхон безатиб, уларнинг ҳаммаларини таклиф этамиз. Зиёфатдан сўнг шароб мажлисига ҳозир бўлиб, шароб ичадилар. Кейин йигирма-ўттиз кишидан қилиб уларнинг ҳаммаларига сарпо берамиз. Кечаси уларга қўрхонани очиб, қурол-аслаҳа берамиз ва шу кечаси бош кўтарамиз ва мақсадимизни очиқ эълон қиламиз. Мазҳабимизга кирганларга омонлик бериб, қарши чиққанларни ўлдирамиз.

Қубод ва Маздак бу сўзларни қабул қилиб, иттифоқ тузадилар. Маздак тўрт томонга мактуб йўллаб, узоқ-яқинларига маълум қилдиради: уч ойдан сўнг фалон ҳафта ва фалон кун қуролланиб пойтахтга, шоҳ ҳузурига келасизлар.

Ваъда қилинган кун ўша ўн икки минг нафар киши ҳозир бўлади, подшоҳ саройига кириб келиб, безатилган дастурхонни кўрадилар. Қубод тахтига, Маздак ўз курсисига ўтиради. Нўширавон мезбон сифатида хизматда турарди. Маздак шодлигидан терисига сиғмасди. Нўширавон одамларни мартаба ва қадрига қараб дастурхон атрофига ўтказади. Овқат ейдилар. Кейин ҳаммаларини бошқа саройга олиб ўтишади. Шароб мажлисини кўриб, хурсанд бўладилар. Қубод Маздак билан кириб ўз жойларига ўтиргач, мутриблару навозандалар базми бошланади. Соқийлар шароб тутадилар. Бир неча вақтдан сўнг икки юз ғулом ва фаррош қўлларига зеб кийимлар ва қимматбаҳо зарбофдан тикилган тўнлар олиб кириб, четкада турадилар.

Нўширавон дейди:

— Бу кийимларни бошқа уйга олиб ўтинглар, бу ерда одам кўп, йигирма-ўттиз кишидан чиқиб, сарполарини кийиб олсинлар. Бу уйдан кейин чавгон ўйини майдонига ўтсинлар.

Бундан олдинроқ Нўширавон яқин қишлоқлардан уч юз кишини белкурак ва кетмонлар билан боғу майдон ва сарой ерларини ҳашакдан тозалатмоққа чақиртирди. Улар келгач, ҳаммаларини чавгон майдонига олиб бориб, эшикларини ёпиб шундай дейди: Кечаси бу майдонда ўн икки мингта чуқур қазиб, энини ярим газ, чуқурлигини бир газ қилиб тупроғини ёнига тўплаб қўйинглар. Чуқурлар қазилгандан кейин уларни бир кичик саройга киритиб, устидан ёпиб қўйишларини соқчисига буюради ва бирор киши кетиб қолмаслигини тайинлайди. Тўрт юз нафар ботирни қуроллантириб, шу майдондаги саройга қўйган эди. Уларга, йигирма-ўттиз нафар кишини биз мажлисдан бошқа саройга юборамиз, сизлар уларни ушлаб олиб, бу кичик сарой тарафига олиб чиқасизлар. Ҳаммаларини ечинтириб, яланғоч қилиб, бошларини чуқурга тушириб белларигача кўмиб қўясизлар, деб амр қилади.

Сарполарни олиб кирганларидан сўнг яна белбоғли, қилич ва қалпоқли икки юз нафар киши эгарлари зар ва кумуш билан безатилган отларни етаклаб олиб келадилар. Нўширавон буларни ҳам бошқа саройга олиб кетишни буюради. У маздакийларни гуруҳ-гуруҳ қилиб чиқариб, бошқа саройга юборади. Уларни майдондаги саройгача олиб бориб, айтилганидек, чуқурларга оёқларини осмонга қилиб кўмиб қўядилар. Ҳаммаларини олиб чиққандан сўнг мажлисда Нўширавон, Қубод ва Маздак қолишади. Нўширавон дейди:

— Ҳаммаларига тўн кийдирдик. Улар майдонда чиройли бўлиб кутиб турибдилар.

Учаласи майдонга чиқишади. Маздак диққат билан майдонга назар ташлаб, фақат осмонга қаратилган оёқларни кўради. Нўширавон Маздакка қараб дейди:

— Сендек пешвочи бор лашкарга бундан яхшироқ сарпо бериш мумкинми? Сен келиб одамларнинг мол-мулки, хотинларини йўқ қилмоқчисан, подшоҳликни бизнинг хонадонимиздан олмоқчисан. Бўл энди, сенга ҳам сарпо берайлик!

Майдонда бир баландлик ясаб, унда ҳам бир чуқурлик кавлаб Маздакни кўкрагигача гаж қўйиб кўмадилар. "Энди сенга эътиқод қўйганларга бир қара!" — дейди Нўширавон.

У чуқур қазишга келган қишлоқликларга жавоб бериб юборади. Майдон эшикларини очади. Шаҳарликлар ва қўшин аҳли кириб, майдондаги аҳволни кўриб, Маздакнинг юзига уриб, соч ва соқолларидан тортиб ўлдирадилар. Нўширавон улуғ кишиларни даъват этади ва қонуний равишда подшоҳликка ўтиради. Қўлини адолат ва саховат учун дуога очади. Ундан бу ҳикоят ақлли подшоҳлар ўқиб-ўрганишлари учун эсдалик қолди.

**Маҳмуд САТТОРОВ**
**тайёрлади.**

Ehtiyot bo`ling, firibgar!

# САККИЗИНЧИ "МИЖОЗ"




***(Давоми.***
***Боши учинчи бетда)***

Хонадон соҳибаси шоша-пиша "кўк"ларни ҳожатхонага ташлади. Сўнг ҳеч нарса бўлмагандай ички ишлар бўлими ходимларига эшикни очди...

Тергов ва суд жараёни чоғида Наталья етти нафар мижоз паспортларига сохта муҳр ва штамп босиб берганини тан олди. Бироқ фуқароларнинг шахси "сир"лигича қолди. Когон шаҳри, Беруний номидаги кўча, 8-уйда яшовчи Татьяна Ивановнанинг паспорти Сергей Муковозов хонадонидан топилди. "Мижоз"нинг накд маблағи йўқлиги учун унга ҳеч қандай белги қўйилмаган экан. Бу рўйхатга бухоролик Роҳила Турсунова ва Елена Шалимова ҳам қўшилса, Натальянинг «фаолияти анча ривож топгани»ни билиш қийин эмас.

Хорижга чиқиш ҳуқуқини расмийлаштириш учун 3 та ва фуқаро паспортини рўйхатга қўйиш ҳамда рўйхатдан чиқариш учун 2 та штамп, 1 та катта гербли ва 2 та кичик гербли думалоқ муҳрлар Сергей Мукавозов хонасида "кўз қорачиғидек" сақланган. Тергов жараёнида мазкур далилий ашёларни, гарчи Наталья терговни чалғитмоқчи бўлиб аллақандай шахсни тилга олган бўлса-да, ким томонидан тайёрланганини аниқлаш имкони бўлмади.

Ўтган йили июн ойидан «ҳожатбарорлик» ва "холис" хизматга қўл урган Наталья Ортиқова ва Сергей Муковозовлар фаолиятига нуқта қўйилди. Саккизинчи "мижоз"га дуч келгач, доллар ишқибозлари иккинчи марта суднинг қора курсисига ўтиришди. Суд уларнинг ўз жиноий хатти-ҳаракатларидан пушаймонликларини, оилавий аҳволларини, қилмишларига иқрор бўлганини инобатга олиб, одилона жазо қўллади.

1995 йил 1 январдан мамлакатимизда миллий паспорт тизими жорий этилди. Бу ҳурлик мандати қалбимизни фахр-ифтихор туйғуларига тўлдиради. Уни кўксимизга ғурур билан босиб, асраб-авайлашимиз керак. Баъзи дунёқараши тор, бепарво кишилар хорижга чиқиш ҳуқуқини расмийлаштириб бериш мақсадида муқаддас ҳужжатни бетайин шахсларга қўшқўллаб топширади. Бу ваколат фақат тегишли давлат идораларига тааллуқли эканини унутиб қўяди. Битта-ярим шумғиялар эса бундай ғўр кимсаларни тузоққа туширадилар. Баён этилган воқеа ҳам бунинг исботидир.

**Луқмон ҚОДИРОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Валижон ЮСУПОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**



*Келажак хаёллари...*


# ЭЪЛОН

## Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик институти қошидаги академик лицей

**<u>2004-2005 ўқув йилида 9-синфни битирганлар учун қуйидаги йўналиш бўйича қабул эълон қилади:</u>**

Ижтимоий-гуманитар; (тарих, ҳуқуқ, инглиз, олмон, француз тиллари, информатика).

*Ҳужжатлар жорий йилнинг 20 июнидан 31 июлига қадар қабул қилинади.*

**Маслаҳат гуруҳига қуйидаги ҳужжатлар ўқишга кирувчи томонидан шахсан тақдим этилади:**

**— таълим муассаси директори номига ариза;**

**— ўқувчининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасидан кўчирма (гувоҳноманинг асли маслаҳат гуруҳи вакилига ҳужжат топшираётган ўқув томонидан шахсан кўрсатилади);**

**— 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома;**

**— доимий яшаш жойидан берилган маълумотнома;**

**— 3х4 ёки 4х6 ҳажмдаги 6 дона фотосурат;**

**— 9-синфни битиргани ҳақидаги шаҳодатноманинг асл нусхаси;**

**— касб-ҳунарга йўналтириш ва педагогик-психологик ташхис Марказининг тавсияномаси.**

**Манзилимиз: 700195, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ-5, 88 уй.**
**Телефон: 135-67-38, 135-67-41**


***Нормурод билан Гулсара турмуш қуриб, уч нафар фарзандли бўлишди. Оиланинг тинчлиги, қизларининг бир-биридан ширин экани ҳам отанинг, ҳам онанинг кўнглида яшашга, фарзандлари бахти учун меҳнат қилишга рағбат уйғотарди. Бироқ умр ўтгани сайин отанинг табиатида ғалати ўзгариш сезила бошлади. Аниқроқ айтганда, у ўғли йўқ эканидан ўксинадиган, армон қиладиган бўлиб қолди. Бунинг устига, хотини Гулсара кейинги пайтларда тез-тез бетоб бўлмоқда...***

# МЕҲРСИЗЛИК

## СУД ОЧЕРКИ

Ана шу ҳол оиланинг тўкис бахтига соя ташлади. Бир кун кутилмаганда Нормурод уйга Мукаррам исмли аёлни бошлаб келди ва унга уйланишини айтди. Эрининг бу нияти кўнглига оғир ботса-да, Гулсара унга қаршилик қилмади. Мукаррамнинг аввалги турмушидан икки ўғли ҳам бор эди. Қисқаси, шундан сўнг бир ҳовлида Нормурод ва икки хотин, Мукаррамга эргашиб келган икки ўғил, хонадоннинг қизлари Зебо билан Ойдин биргаликда яшай бошлашди. Қишлоқ аҳли "Овсин-овсинга тош отармиш, кундош-кундошга пахта", деб Нормуроднинг хонадонини тинч ўйлашарди. Фақат деворма-девор қўшниларгина бу ҳовлидан чиқаётган аччиқ-қурум гап-сўзларни ўқтин-ўқтин эшитиб қолишарди. Аста-секин оилада "ғиди-биди" кўпайди. Бу орада Мукаррам яна қиз кўрди. Унга Бахтигул деб исм қўйишди. Лекин бу чақалоқ ҳам оиланинг дарз кетган бахтини қайта тўлдиролмади. Жанжал баттар авж олди. Охири бунга чидаёлмаган Гулсара нарсаларини олиб укасиникига кетиб қолди. Кейин кўп ўтмай касаллик туфайли вафот этди.

Нормурод билан қонуний никоҳдан ўтгач, Мукаррам ҳам бирдан ўзгариб қолди, у оилада устунликни қўлга олишга уринди. Уйдаги молларни, ёғочларни соттирди. Эр олдига ҳатто уйни ҳам сотиш талабини қўйди. Хотинининг чизган чизиғидан чиқолмай қолган Нормурод қўшниси Қ.Омоновдан уйни сотиб олишни сўради. Яхшиямки, қўшни инсофли одам экан, у сотилажак уйда етти жон яшаётганини ўйлаб, бу таклифни рад этди. Мукаррам эса икки ёшли Бахтигулнинг номига уй-жойни васият қилдириб олгач, бироз тинчиди. Бироқ ана шу воқеа сабаб бўлиб, ўгай она ва қизлар ўртасидаги адоват баттар кучайди.

Шундан сўнг опа-сингил ўгай онадан қандай қутулиш ҳақида ўйлай бошлашди. Кунларнинг бирида ана шундай ниятда юрган опа-сингил Ойдин қишлоғи ёнидан ўтган темир йўл ёқасига чиқишди-да, вагонлардан тўкилиб қолган олтингугурт бўлакчаларини териб келишди. Бундан уларнинг кўзлаган мақсади — қулай пайт топиб, Мукаррамни заҳарлаш эди. Бироқ қандайдир тасодиф туфайли улар бешикнинг ичига яшириб қўйган олтингугуртни отаси кўриб қолиб, ташқарига чиқариб ташлади.

Қизларнинг кўнгли ҳуфтон эди. Ўгай онанинг уйда устунлик қилаётгани, молларни, ёғочларни соттиргани, ҳовлини сотмоқчи бўлгани, кейин эса уни Бахтигулнинг номига васият қилдириб олгани уларнинг аламини баттар оширди. Улар ана шу ниятда Косон тумани бозорига бориб сирка кислотаси олиб қайтишди. Жиноий ҳаракатларни амалга оширишда бармоқ изларини қолдирмаслик учун бир дона резина, уч дона латта қўлқоп ҳам сотиб олишди. Бунинг устига улар ўгай оналари таниб қолмаслиги учун устларига кийишга спорт костюми, плаш кабиларни ҳам тайёрлаб қўйишди. Шундан сўнг улар қулай пайт келишини, яъни Мукаррам уйда ёлғиз қолишини кута бошлашди.

Қишлоқда тўйлар кўпинча оқшом пайти ўтказилади. Х.Хушвақтовнинг хонадонидаги тўйни оқшомга белгиланганини Зебо билан Ойдинга қотилликни амалга ошириш учун қулай имконият бўлиб туюлди. Уйдагилар тўйга кетишгач, опа-сингил ўгай онага юзланишди: Биз ҳам тўйга борайлик...

Ўгай она розилик билдирди.

Аслида эса опа-сингил тўйхонага боришмади. Молхонага кириб, бироз ўтиришди. Тўйхонада куй-қўшиқ авжига чиққанда улар олдиндан тайёрлаб қўйилган кийимларни кийиб, сирка кислотани олиб супага қараб юрдилар. Супада телевизор кўриб ўтирган Мукаррам орқа томондан келган шарпаларни сезмай қолди.

Шайтоннинг измига кирган опа-сингил Мукаррамни ерга босиб олиб, оғзига ажал уруғини қуймоқчи бўлишди. Табиийки, Мукаррам уларга жон ҳолатда қаршилик кўрсатди. Ур-йиқитда сирка кислотаси юзига сочилиб кетди. Бунинг устига, у ўз ҳаётига тажовуз қилаётганлар ўгай қизлари эканлигини сезиб қолди. Шунда Ойдин чаққонлик билан Мукаррамнинг сочларидан бураб ерга босди. Зебо эса қўлидаги таёқ билан унинг бошига бир неча марта урди. Таёқ синса-да, Мукаррам жон таслим қилмади. Шу пайт Зебо ҳовлининг четидан кетмон топиб келиб, унинг уч томони билан аёлнинг бўйнига кетма-кет урди...

Jinoyat va jazo

Ана шундай қабоҳатга қўл уришгач, опа-сингил ими-жимида янги либосларини кийиб тўйхонага боради. Тўй охирлаб қолганда яна уйга қайтишади. Улар ҳовлига қадам босишгач, отаси билан ўгай укаси сочлари тўзғиган, қонга бўялган мурда тепасида бўзлаб ўтирганини кўришди...

Албатта, бу мудҳиш жиноятга қўл урган опа-сингиллар қилмишига яраша қонуний жазо олишди. Бироқ кишини ўйга толдирадиган, мушоҳада юритишга ундайдиган томони шундаки, икки норасида қиз нега бундай жиноятга қўл урди? Эҳтимол, бунинг минг битта сабаби бордир. Лекин, энг асосийси оилада юзага келган носоғлом муҳит билан изоҳланади.

Чунки оилада отанинг ҳам, онанинг ҳам ўз ўрни, бола тарбиясига таъсир кучи бор. Юқорида тилга олинган оилада эса ана шундай мутаносиблик, меҳр-оқибат, бир-бирини қадрлаш йўқолган эди. Бунинг ўрнида юзага келган бўшлиқ ўз таъсирини кўрсатди, қаровсиз ва тарбиясиз қолган опа-сингил жиноятга қўл урди. Албатта, бу ўринда Нормурод ҳақида гапириш оғир. Йўқотиш, фарзандлар ҳижронини кўтариш осон эмас. Нима бу унга тақдирнинг ёзиғими? Ёки бу тақдирни у ўзи қўли билан яратдими?..

**Ориф ЭЛМУРОДОВ,**
**ҳуқуқшунос,**
**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

**Адлия вазирлиги жамоаси вазирликнинг масъул ходими Зариф Даврановга турмуш ўртоғи *ЗУЛАЙҲО опанинг* бевақт вафот этгани муносабати билан таъзия изҳор этади.**


**ИНСОН ва ҚОНУН**

**МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

**1996 йилнинг январидан нашр этилади**

**2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган**

Бош муҳаррир: **Шодиқул ҲАМРОЕВ**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Саҳифаловчи-дизайнер: **Жаъфар ЖАББОРОВ**

Навбатчи: **Бобомурод РАЙИМОВ**

**Индекс: 646882**

**«ИНСОН ВА ҚОНУН»** газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-718. Тиражи — 7.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

**МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50**

**2 3 4 5 6**